

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ҳузуридаги олий таълим тизими педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Тармоқ маркази
директори _____ Г.Ахунова
“ _____ ” _____ 2015 й.

“ЕВРОПА ИҚТТИФОҚИ ИҚТИСОДИЁТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи: доц. Х.Курбонов,
доц. А. Юсупов

Тошкент – 2015

Мундарижа

ИШЧИ ДАСТУР	5
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	11
1-мавзу. Европа иттифоқининг шаклланиш ва ривжланиши	11
2-мавзу. Европа Иттифоқи (ЕИ) – олий иқтисодий интеграция шакли сифатида	22
3-мавзу. Европа молиявий-иқтисодий инқирози	32
ТАҚДИМОТ	40

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”
Тармоқ маркази директори
Г.Н.Ахунова
“ _____ ” _____ 2015 йил

“ЕВРОПА ИҚТТИФОҚИ ИҚТИСОДИЁТИ”

модули

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар
ва минтақалар бўйича)” олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва
мутахассисликлари махсус фанлари профессор-ўқитувчилари учун**

Тошкент – 2015

Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 201_ йил «___» _____ даги ___-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Х.А.Курбонов- иқтисод фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

Н.Талипова - иқтисод фанлари номзоди, доцент;

Т.Шодиев - иқтисод фанлари доктори, профессор.

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармонида мувофиқ тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллаш олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга замонавий европа иқтисодиётининг ривожланиш жараёнлари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклаш;

- Европа Иттифоқининг – олий иқтисодий интеграция шакли сифатида хусусиятлари ва интеграцион жараёнларни жаҳон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил

қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётӣ позициясини вужудга келтиришга эришиш;

- Тингловчи европа иқтисодий интеграциясининг замонавий тамойиллари, назарий асосларини ҳаётга тадбиқ этиш, европа мамлакатларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ қила олиш, иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш юзасидан кўникмаларга эга бўлиши таъминлаш;

- Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида европа молиявий-иқтисодий инқирози, европа мамлакатлари иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Европа иқтисодиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур;

- Европа мамлакатларининг миллий иқтисодиётлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фундаментал билимларга эга бўлиши зарур;

- Европа иқтисодиёти ривожланишининг ташкилий, ҳуқуқий асослари бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида европа иқтисодий интеграцияси ва унинг тараққиётини устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда европа мамлакатлари иқтисодиётидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модуллар бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
		Назай		Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Европа иттифоқининг шаклланиш ва ривжланиши.	8	8	2	4	-	-
2.	Европа Иттифоқи (ЕИ) – олий иқтисодий интеграция шакли сифатида	6	6	4	4	2	2
3.	Европа молиявий-иқтисодий инқироzi	8	6	4	4	-	2
	Жами:	28	24	10	12	2	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Европа иттифоқининг шаклланиш ва ривжланиши (2 соат)

Режа

1. Европа иттифоқининг вужуга келишинг объектив шарт-шароитлари.
2. Рим шартномаси ва унинг шартлари.
3. Маасрихт шартномаси ва уни Европа интеграцион жараёнларидаги тутган ўрни.

Жамият ривожланишида тадрижий ва инқилобий ўзгаришлар. Еропа иқтисодий интеграцияси учун шарт шароитлар. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг сабаблари ва асосий тенденциялари. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар.

2-мавзу. Европа Иттифоқи (ЕИ) – олий иқтисодий интеграция шакли сифатида (4 соат)

Режа

1. Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг тарихий ривожланиш босқичлари.
2. Европада минтақавий интеграциялашув моделининг зарурий шарт-шароитлари ва тамойиллари.
3. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
4. ЕИнинг замонавий ривожланиш муаммолари.

Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг тарихий ривожланиш босқичлари. Европада минтақавий интеграциялашув моделининг зарурий шарт-шароитлари ва тамойиллари. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш қонуниятлари. ЕИнинг замонавий ривожланиш муаммолари.

3-мавзу. Европа молиявий-иқтисодий инқирози (4 соат)

Режа

1. Европа иқтисодиёти ва молия тизимининг фундаментал ва циклик муаммолари.
2. Еврохудудга аъзо мамлакатлар молия тизимининг муаммолари.
3. Еврохудуд мамлакатлари молия тизимининг тартибга солиш механизми: институционал муаммолар.
4. Еврохудуд мамлакатлари суверен қарзлар муаммоси.

Европа иқтисодиёти ва молия тизимининг фундаментал ва циклик муаммолари. Еврохудудга аъзо мамлакатлар молия тизимининг муаммолари. Еврохудуд мамлакатлари молия тизимининг тартибга солиш механизми: институционал муаммолар. Еврохудуд мамлакатлари суверен қарзлар муаммоси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Европа иттифоқининг шаклланиш ва ривжланиши (2 соат)

Режа

1. Европа иттифоқининг вужуга келишинг объектив шарт-шароитлари
2. Рим шартномаси ва унинг шартлари.
3. Маасрихт шартномаси ва уни Европа интеграцион жараёнларидаги тутган ўрни.

2-мавзу. Европа Иттифоқи (ЕИ) – олий иқтисодий интеграция шакли сифатида (4 соат)

Режа

1. Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг тарихий ривожланиш босқичлари.
2. Европада минтақавий интеграциялашув моделининг зарурий шарт-шароитлари ва тамойиллари.
3. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
4. ЕИнинг замонавий ривожланиш муаммолари.

3-мавзу. Европа молиявий-иқтисодий инқирози (4 соат)

Режа

1. Европа иқтисодиёти ва молия тизимининг фундаментал ва циклик муаммолари.
2. Еврохудудга аъзо мамлакатлар молия тизимининг муаммолари.
3. Еврохудуд мамлакатлари молия тизимининг тартибга солиш механизми: институционал муаммолар.
4. Еврохудуд мамлакатлари суверен қарзлар муаммоси.
5. Лиссабон шартномаси ва “Барқарорлик пакти”нинг хусусиятлари ва уни еврохудуд мамлакатлари иқтисодий ривожланишига таъсири.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулотлар 2 соат режалаштирилган бўлиб, мутахассисликнинг етакчи вазирлик ва идораларида ташкил этилади. Кўчма машғулотларда етакчи вазирлик, идораларнинг мутахассислари томонидан вазирликда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Европа иқттифоқи иқтисодиёти” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 Фармони.

3. И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жароёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир” мавзусида 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.-Халқ сўзи газетаси 17январь 2015 йил.

4. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.

5. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Хакимов Н.З., Салихова Н., Бобожонов Б.Р. “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ”. Дарслик – Т., 2006. - 216 бет.

6. Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. – М.: Юнити-Дана, 2010. – 190 с.

7. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. – М., 2010, 19-23 с.

8. Бобожонов Б.Р., Хамидов О.Б., Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ. Ўқув услубий мажмуа. – Т.: ТДИУ, 2012 й.

9. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. – М.: Магистр, 2007. – 429 стр.

10. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник /Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

11. Внешнеэкономическая деятельность: учебник. для студ. сред. проф.

учебник. заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.

12. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления / Под ред. В.В. Попкова. Учебник. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. — 295 стр.

Хорижий адабиётлар:

1. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
2. Dennis R.Appleyard. International Economics. 2013, McGraw Hill Higher.
3. John T. Rourke. International Politics on the World Stage. 2010, McGraw Hill Companies.
4. Charles W.L. Hill. International Business:Competing in the Global Marketplace. 2014, McGraw Hill Higher.

Интернет маълумотлари:

1. www.economics.ru
2. www.ved.ru
3. www.ser.uz
4. www.uza.uz
5. www.ifmr.uz
6. www.Lex.uz
7. www.ziyonet.uz

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Европа иттифоқининг шаклланиш ва ривжланиши

Режа

1. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт – шароитлари ва унинг босқичлари.

2. “Домино” самараси.

3. “Умумий бозор” деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари.

4. Европа иттифоқининг кенгайиши.

Калит сўзлар: Иқтисодий интеграция, умумий бозор, “Домино” самараси, Евроҳудуд валюта иттифоқи, Евро ҳудуди, ГААТ, БСТ, эркин савдо зоналари.

1. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт – шароитлари ва унинг босқичлари

Иқтисодий интеграция шаклланишининг шарт-шароитларини таҳлил қиламиз. Улар қуйидагилардир:

- Интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги етуқлиги даражасининг яқинлиги. Камдан-кам истеъснолардан ташқари, қолган барча ҳолларда давлатдараро интеграция ё индустриал мамлакатлар ёки ривожланаётган мамлакатлар орасида ривожланади. Ҳатто, саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар доирасида, тахминан бир хил иқтисодий ривожланиш даражасидаги давлатлар ўртасида интеграцион жараёнлар энг фаол бўлади.

- Интеграциялашаётган мамлакатларнинг жўғрофий яқинлиги, кўп ҳолларда умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий адоқаларнинг мавжудлиги. Дунёдаги интеграциявий бирлашмаларнинг аксарияти жўғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган, транспорт алоқаларига эга бўлган ва кўпинча бир тилда гаплашадиган бир неча қўшни мамлакатлардан бошланган эди.

- Ривожланиш, сиёсий ҳамкорлик ва шакллар соҳасида мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги. Иқтисодий интеграция интеграциялашаётган мамлакатлар олдида мавжуд бўлган аниқ муаммолар тўпламини ҳал қилишга қаратилади. Балки асосий муаммоси-бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш бўлган мамлакатлар бозорининг ривожланганлиги, умумий валютани жорий қилишни талаб этадиган давлатлар билан интеграциялашув мумкин эмаслиги яққол аёнлиги бунга сабабдир.

- Устунликни намоиш қилиш самараси. Интеграциявий бирлашмаларни тузган давлатларда одатда ижобий иқтисодий силжишлар (иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашуви, инфляциянинг пасайиши, иш билан бандликнинг ўсиши ва шакллар) рўй беради ва бу шубҳасиз ўзгаришларни кузатиб бораётган бошқа мамлакатларга маълум руҳий таъсир кўрсатади..

2. “Домино” самараси.

"Домино самараси". У ёки бу минтақадаги мамлакатларнинг кўпчилиги интеграциявий бирлашмага аъзо бўлгач, бу бирлашма доирасидан четда қолган мамлакатлар, шубҳасиз, баъзи қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликлар мазкур гуруҳга кирувчи мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг узвийлиги билан боғлиқдир. Бу кўпинча, ҳатто, интеграция доирасидан ташқарида қолишдан кўрқиб, интеграция доирасидан четдан қолган мамлакатлар билан савдони қисқартиришга ҳам олиб келади.¹

Ҳозирги кунда халқаро иқтисодиётда юзага келаётган ва ривожланаётган кўплаб интеграцион бирлашмалар аслида ўз олдига бир-бирига ўхшаш вазифаларни қўядилар. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кенг кўламли иқтисодиёт устунликларидан фойдаланиш. Кенг кўламли иқтисодиёт назарияси асосида бозорлар ҳажмини кенгайтириш, трансакцион харажатларни камайтириш ва бошқа бир қатор афзалликлардан фойдаланиш. Бу, ўз навбатида, катта ҳажмдаги бозорларга катта иштиёқ билан кириб келадиган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга бевосита имкон беради.

2. Қулай ташқи сиёсий муҳитни яратиш. Кўплаб интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа ноиқтисодий соҳаларда бир-бирини тушуниши ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир.

3. Савдо сиёсатидаги вазифаларни ҳал қилиш. Минтақавий интеграция, кўпинча, ГААТ/БСТ доирасида иштирок этаётган мамлакатларнинг музокараси нуктаи назаридан олиб қаралади. Мамлакатлар блоки номидан келишилган ҳолдаги баёнот анча жиддий ҳисобланади ва савдо сиёсати соҳасида кутилган натижаларни беради.

4. Иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга кўмаклашиш. Ўз қўшинларини интеграция жараёнларига қўшар эканлар ривожланганроқ давлатлар ҳам ўша мамлакатлардаги тўлақонли ва катта ҳажмли бозорларни яратиш ҳамда улардаги бозор ислохотларининг илдиз отишидан манфаатдор бўлади. Европа Иттифоқининг у ёки бу шаклига қўшила туриб, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари шу мақсадларни кўзлаган эди.

Миллий саноатнинг ёш соҳаларини қўллаб-қувватлаш. Ҳатто, интеграцион бирлашмалар учинчи мамлакатларга нисбатан камситувчи чораларни назарда тутмаганларида ҳам, улар фаолияти учун кенгроқ минтақавий бозор очиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади.

Тарихан интеграцион жараёнлар бир нечта асосий босқичлар асосида ривожланиб келди. Уларнинг ҳар бири унинг ривожланишининг маълум даражага етганлигини ифода этади. Интеграцион гуруҳлар типологиясининг асослари иштирокчи мамлакатлар миллий иқтисодиётининг макро ва миро

¹ А. Киреев. Международная экономика, уч.пособ. Часть 1. Международная микроэкономика. М.: Международная экономика 1999.

даражада ўзаро яқинлашиши ва бир-бирини иқтисодий жиҳатдан нақадар чуқур кириб боришини баҳолашда намоён бўлади.

Жаҳон хўжалигидаги интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича тўпланган тажриба иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва ривожланишида беш босқичдан ўтиш зарурлигидан далолат беради

Биринчи босқич-замонавий талқинда – переференциал савдо келишувлари. Эркин савдо ҳудудлари иқтисодий интеграциянинг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудлари амалда икки ва ундан ортиқ давлатларнинг ўзаро савдосида божлар, лицензиялар ва квоталарни музлатиш ва аста секинлик билан бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши натижасида юзага келади.

Иккинчи босқич— иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона тарифлари ва бошқа чеклашларни бекор қилиб, эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш. Иштирокчи мамлакатлар бу босқичда ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекин учинчи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда тўла эркинликни сақлаб қоладилар (масалан, божхона пошлиналарини ёхуд бошқа чеклашларни бекор қилиш ёки янгиликларни киритиш ва савдо-иқтисодий шартномалар, битимлар тузиш ҳуқуқлари). Бунинг оқибатида мамлакатлар ўртасида уларнинг чегараларини кесиб ўтаётган товарларнинг келиб чиқишини назорат қиладиган ва тегишлича учинчи мамлакатлардан имтиёзли равишда товарларни олиб киришга тўсқинлик қиладиган божхона чегаралари ҳамда постлари сақланиб қолади. Бундай эркин савдо ҳудудларга (зоналарга) 1960 йилдан буён мавжуд бўлган Европа эркин савдо уюшмасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Эркин савдо ҳудудларининг ижобий томонларига иштирокчи мамлакатлар савдо сиёсатида барқарорликни ўрнатилишини киритиш мумкин. Бундай ҳудудларга аъзо мамлакатларни халқаро иқтисодий муносабатларга жалб этиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради, улар халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Эркин савдо ҳудудларининг салбий томонларига келадиган бўлсак, улар ички бозор рақобатининг кучайиши билан белгиланади, чунки бу миллий ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсир этиши ва банкротлик хавфини кучайтириши мумкин. Бу босқичда миллатлараро тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш кўзда тутилмайди. Бу эса ўз навбатида биргаликда қарорлар қабул қилиш жараёнларини секинлаштиради.

Учинчи босқич — савдо ва ишчи кучи, капитал айланишида ягона тарифларни ўрнатган ҳолда, божхона иттифоқи тузишдир. Интеграциянинг бу босқичида давлатлар фақат ўзаро тўсиқларни бартараф этибгина қолмай, балки ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини ва учинчи давлатларга нисбатан божхона пошлиналарининг ягона тизимини ташкил қиладилар. Яъни ҳуқуқий нуқтаи назардан Божхона Иттифоқи (БИ) икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган солиқ сиёсатини ўтказилишини акс эттиради, бу ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва ана шу макон доирасида ҳар қандай божхона чегараларини бартараф этишни англатади. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади. Бундай ташкилотлар

тузилмалари қаторига Европа Иттифоқига асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин. Учинчи босқич - реал иқтисодий интеграциянинг бошланғич фазаси-Иқтисодий иттифоқнинг ташкил топишидир. Бу босқичда давлатлар ўз миллий чегаралари орқали фақат товарлар эмас, балки барча ишлаб чиқариш омиллари капитал, ишчи кучи, технология ва маълумотларни эркин ҳаракати ҳақида келишадилар.

1.1-жадвал

Интеграция жараёнлари шакллари ва босқичлари

	Интеграция типлари	Белгилари
1.	Переференциал савдо келишувлари	Ўзаро савдода тарифлар ва бошқа тўсиқлар олиб ташланади. Учинчи мамлакатларга нисбатан миллий тарифлар сақланади. Давлатлараро бошқарув органлари тузилмайди.
2.	Эркин савдо зоналари	Битим шакли. Бунда қатнашчилар бир-бирларига нисбатан божхона тарифлари ва квоталарини олиб ташлаш тўғрисида ахдлашадилар. Учинчи мамлакатларга нисбатан ҳар кимнинг ўз сиёсати мавжуд бўлади. Мисол учун: НАФТА, АНЗСЕРТА. илгариги Европа иқтисодий ҳамжамияти.
3	Божхона иттифоқи	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона сиёсати. Бироқ бунда ҳам жиддийроқ ички қарама-қаршилиқлар пайдо бўлади. Европа иқтисодий ҳамжамияти бунинг мисоли бўлиши мумкин.
4	Умумий бозор	Иштирокчи мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг барча ҳаракати учун тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш. Иқтисодий сиёсатни тўлиқ келишиш, иқтисодий кўрсаткичларни тенглаштириш каби масалалар қал этиш жараёнида туради.
5	Тўлиқ иқтисодий интеграция	Ягона иқтисодий сиёсат иа бунинг оқибати сифатида қонунчилик базасини бирхиллаштириш. Шартлари: умумий солиқ тизими; ягона стандартларнинг мавжудлиги; меҳнат тўғрисидаги ягона қонунлар ва бошқалар.
5.1.	Иқтисодий иттифоқ	Юқори иқтисодий ривожланиш босқичида пайдо бўлади. Иқтисодий сиёсат (ҳатто ягона иқтисодий сиёсат) келишилади на шунинг асосида барча тўсиқлар олиб ташланади. Давлатлараро (давлатлардан юқори турувчи) органлар ташкил этилади. Барча қатнашчи мамлакатларда йирик иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилади.
5.2.	Валюта иттифоқи	Иқтисодий Иттифоқ шакли ва айни бир унинг йирик қисми. Қуйидагилар валюта иттифоқининг характерли белгилари ҳисобланади: - Миллий валюталарнинг ксчишилган (биргаликдаги) муомаласи; қатнашчи мамлакатларнинг Марказий банкирлари томонидан мақсадга қаратилган ҳолда қўллаб-қувватланадиган қатъий бегиланган валюта курсларининг ўрнатиш; ушбу халқаро валюта бирлигининг эмиссия маркази ҳисобданган ягона минтақавий банк шаклантирилиши. Ривожланаётган мамлакатларда валюта иттифоқи деганда клиринг битимлари тушунилади.

Манба: А.Киреев Международная экономика, М., 2004. с.

Натижада умумий бозор макони, умумий бозор шаклланади. Божхона иттифоқини умумий бозорга айланттириш жараёни фақатгина савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи қонуний меъёрларни уйғунлаштириш масалаларини ҳам хал этиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф

этиш орқали учинчи мамлакатлар билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурки, бунинг натижасида миллий чегаралар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳар қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади. Умумий бозорни шакллантиришда жамоатчилик фондларини яратиш зарурияти туғилади. Бундан ташқари миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай ташкилотларни ташкил этмасдан туриб миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорларини бажарилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш мумкин эмас. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади.

Бундай ташкилотлар тузилмалари қаторига Европа Иттифоқига асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин.

Бешинчи босқич — ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва миллий даражадан устун турувчи тартибга солиш ташкилотларига эга тўлиқ интеграция. Интеграциянинг бу даражасига эришиш сиёсий-иқтисодий иттифок унга қираётган давлатлар интеграциянинг олдинги босқичларида эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, учинчи мамлакатларга нисбатан биргаликда савдо, сўнгра умуман, иқтисодий сиёсатни олиб бориш ҳамда иқтисодиётни тартибга солиш тизимини бирхиллаштириш ҳақида келишувларни ўз ичига олади. Интеграциянинг ушбу босқичи қатнашувчи мамлакатларнинг ташқи сиёсатини келишилган ҳолда олиб борилишини кўзда тутаяди. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир қатнашувчи мамлакат ва умуман, итти-фоқнинг иқтисоди ривожланиши манфаатлари йўлида бор имконият ва воситаларни ўзаро манфаатли бирлаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Охирги икки босқич у ёки бу интеграцион гуруҳнинг хусусияти билан боғлиқ, маълум кичик босқичларни ўз ичига олиши мумкин. Жаҳонда мавжуд бўлган интеграциявий гуруҳлар кўпинча формал интеграциявий босқичда бўлиб, интеграцион ривожланишнинг биринчи ва иккинчи босқичларидадирлар.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, интеграция давлатнинг жаҳон хўжалигига қўшилишини рағбатлантириш учун самарали, туб ташқи иқтисодий сиёсат эканлигини, барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли даромадлари ўсишини, инсон капитали жамланишини, иқтисодиётда илғор технологик ва таркибий силжишлар юз беришини, ишлаб чиқариш, инвестицияларни бошқариш ҳамда уларнинг сифати ошишини таъминлашидан далолат беради.

Интеграция Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг энг тўлиқ ривожланишига эришди. Ғарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлардан ташқари В.Гюго, И.Кант каби кўплаб Европа сиёсий ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа ғоялари билан суғорилган эди. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. Шу йил апрел ойида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тўғрисидаги шартнома

имзоланди. Унга олтига мамлакат — Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландлар, Люксембург кирди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Ғарбий Европа интеграциясининг реал пайдо бўлиши ва ривожланиши 1957 йилга тўғри келади. Шу йили юқорида санаб ўтилган мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ва Европа атом энергияси ҳамжамияти (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Ҳамжамиятлар таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди, бу уларнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари белгилаб берди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги вақтга нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири — 70-йиллар ўртаси). Ҳамжамият ҳаётидаги "олтин аср" ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан олдин ташкил этилиши ягона аграр бозорнинг нисбатан муваффақиятли шакллантирилиши, ЕИҒа учта янги мамлакат: Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг кириши билан характерланади .

3. "Умумий бозор" деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари.

Кўпинча "Умумий бозор" деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;
- учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
- "инсонлар, капитал, хизматлар" эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни тугатиш;
- транспорт ва кишлоқ хужалиги соҳасида умумий сиёсат-ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқини ташкил этиш;
- солиқ тизимини бирхиллаштириш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- келишилган иқтисодий сиёсат принципларини ишлаб чиқиш.²

Қатнашчи мамлакатлар товарлари, капиталлари, хизматлари ва ишчи кучи умумий бозори ташкил этилиши вазифасининг ҳал этилишини ЕИХ ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйди. Бунинг учун божхона иттифоқи ташкил этилди. ЕИХга айнан божхона иттифоқи асос қилиб олинган. Божхона иттифоқи доирасида:

- қатнашчи мамлакатларнинг ўзаро савдосидаги савдо чеклашлари бекор

² Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 92 бет

қилинди;

- учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи белгиланди;

- капиталлар, кредитлар харақати, пул ўтказмалари, хизматлар кўрсатиш эркинлигига эришилди;

- иш кучининг эркин миграцияси ва яшаш жойини эркин танлаш таъминланди.

Ушбу чораларнинг барчаси саноат интеграциясининг жадаллашувига кўмаклашди. Айни бир вақтнинг ўзида компенсация йиғимлари ва кишлок хўжалиги жамғармаси орқали молиялаштириш ёрдамида умумий протекционизм ўрнатиш шаклида аграр интеграцияни амалга оширишга уриниб кўрилди. ЕИнинг аграр сиёсати ЕИ азолари бўлган мамлакатларнинг кўплаб кишлок хўжалиги маҳсулотлари учун бирдек минимал нархлар белгиланишини кафолатловчи нархларнинг ягона тизимига асосланади.

Умумий бозор шакллантирилиши ЕИХ миллий монополияларининг трансмиллий монополияларга айланиши жараёнини тезлаштирди, шерик мамлакатлар иқтисодига кириб боришга кўмаклашди. ЕИХнинг ривожланиши ҳамдустлик қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг яққаланиб қолган миллий хўжаликлардан ташқи бозорга қаратилган очиқ турдаги иқтисодиётга жадал ўтишини англатар эди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ўртаси — 80-йиллар ўртаси) ЕИ тарихига Европа валюта ҳамкорлиги дастури қабул қилинишига, ташқи сиёсий келишувларга муваффақ бўлинганлиги сифатида кирди. Бирок, барибир пайдо бўлган салбий тенденциялар ушбу даврда Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий танглигига олиб келди. Ушбу танглик "Евросклероз" деган ном олди. 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовут кўпайди. 1981 йилда Грециянинг ЕИ га кириши билан ушбу тенденция янада аниқроқ намоён бўлди, чунки ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчиларига таққослаганда анча паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми — 90-йиллар боши) — Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номуносибликнинг кескинлашувига олиб келди. Шу билан бирга айни ушбу давр Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги янги кучайиш билан характерланади. Бу энг аввапо, Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши билан боғлиқдир.

ЯЕА да ҳамжамият қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг умумий мақсади - Европа Иттифоқи ташкил этиш тасдиқланди. Европа Иттифоқи узида ҳамжамият қатнашчиларининг сиёсий альянсини ифодалар ва уларнинг иқтисодий, валюта-молиявий, инсонпарварлик ҳамкорлигининг юқори даражасинигина эмас, балки ташқи сиёсатни, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашни келмишини ҳам назарда тутар эди. ЯЕАда ягона иқтисодий макон барпо этиш мақсади унда қайд этилган марказий қоида эди. ЕИХ қатнашчилари бўлган хар мамлакатлар ягона хўжалик организмини ташкил этиши керак эди. ЯЕА қабул қилиниши билан ҳамдустлик аъзолари бўлган

мамлакатларнииг микро ва макроиктисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграция жараёнлари кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар ягона бозор асосларини барпо этишни амалда тугалладилар ва валюта-иктисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга жуда яқинлашиб қолдилар.

Тўртинчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси — XXI аср боши) да Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий макон пайдо бўлди, бу ЕИнинг иқтисодий интеграциянинг сифат жихатидан янги боқичига кирганлигини англатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил феврал) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ қатнашчи мамлакатлари сони 15 та бўлган Европа Иттифоқига айлантирилди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозор ташкил этиш амалга оширилди. Бундан буёнги интеграция ҳамкорлиги мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта — евро эмиссияси ҳуқуқи билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа макони барпо этилишини ўз ичига олар эди.

Маастрихт битимлари (1991 йил, декабрь) Ғарбий Европа интеграциясининг ривожидида сифат жихатидан янги бир босқич ҳисобланади, зеро, унда мамлакатларни микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Маастрихт битимлари Европа Иттифоқига қуйидаги вазифаларни юклаган:

- Ягона валюта яратиш ва уни бошқариш;
- ягона иқтисодий сиёсатни, айниқ.са, унинг бюджет ишларига тааллуқли қисмини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, (уринли топилганда) кучайтириш;
- эркин рақбатга асосланган ягона бозорни ташкил этиш ва ҳимоялаш;
- бой ва қашшок. минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ҳамда (имкон бўлган жойларда) маблағларни қайта тақсимлаш;
- қонунчилик ва тартиб-қоида қўллаб-қувватлаш;
- айрим фукдроларнинг туб ҳуқуққарини эътироф этиш ва ривожлантириш;
- учинчи мамлакатларга нисбатан бамаслаҳат юритиладиган савдо, кейинроқ эса умумий иқтисодий сиёсат тўғрисида, иқтисодий сиёсатни ягоналаштириш борасида ҳам келишиб олишларини назарда тутади.³

"Ягоналашган", мувофиқлаштирилган умумий иқтисодий сиёсатни амалга оширишни тақозо этувчи мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш йўлида эса ижроия - мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган халқаро давлат ташкилотларига эҳтиёж туғилди.

4. Европа иттифоқининг кенгайиши.

Ҳозирги кунда 27 давлатдан иборат бўлган Европа Иттифоқи АҚШ ва Япония билан биргаликда дунёдаги асосий ишлаб чиқарувчи ҳамда

³ Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 98 бет б

истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Евростат маълумотларига кўра жаҳон экспортнинг 57 фоизи ва импортнинг 55 фоизи унинг улушига тўғри келади. Айтилган вақтда ЕИ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуши кейинги йигирма йилда Иттифоқ аъзолари сони кўпайганлигига қарамай, тушиб кетди.

Харид қўбилияти паритети бўйича ҳисоблаб чиқилган аҳоли жон бошига йиллик ялпи ички маҳсулот миқдори ЕИ мамлакатлари учун 17,3 минг еврога ташкил этади.

1.2-жадвал

Европа Иттифоқининг кенгайтиши

Таъсисчи мамлакатлар (1957й.25март)	Биринчи кенгайтиш 1973 й.	Иккинчи кенгайтиш 1981 й.	Учинчи кенгайтиш 1986й.	Тўртинчи кенгайтиш	Бешинчи кенгайтиш	Олтинчи кенгайтиш
Белгия	Буюк Британия	Греция	Испания	Австрия	Венгрия	Болгария
Франция	Дания		Португал	Финлянд	Кипр	Руминия
Германия	Ирландия			Швеция	Малта	
Италия					Латвия	
Люксембург					Литва	
Нидерландла					Польша	
					Словакия	
					Словения	
					Чехия	
					Эстония	

ЕИнинг ривожланиб бориши Иттифоқда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар йўқ эканлигини аниқлатмайди. Юқорида ЕИга янги аъзолар қўшилиши натижасида мамлакатлараро ва мамлакат ичидаги номутаносибликлар пайдо бўлганлиги қайд этилган эди. Ягона аграр сиёсатни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларига ягона марказлаштирилган нархларнинг амалга оширилиши жараёнида анчагина муаммолар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Европа Иттифоқи мафкурачиларини Европа товарларининг халқаро бозорларидаги рақобатбардошлилиги тушиб кетиши, жаҳон савдосида ЕИ улушининг қисқариши, компьютерлаштириш ва бошқаларда АҚШдан орқанда қолиш ташвишга солмоқда.

Ғарбий Европадаги иқтисодий интеграция фақат ЕИ ҳудуди билан чекланиб қолмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо уюшмаси мавжуддир. Европа эркин савдо уюшмаси ЕИдан фарқ қилган ҳолда, миллий манфаатлардан устун турувчи функцияларга ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) иқтисодий ҳамкорликни асосий мақсад қилиб қўяди. У биринчи навбатда савдонинг эркинлашишига ва божхона тўсиқлари бартараф этилишига

кўмаклашди. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар (80-йилларда улар еттига, 90-йиллар ўртасида тўртга — Норвегия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария эди) учинчи мамлакатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий битимларга ихтиёрий қўшиладилар, ЕЭСУ қатнашчиларидан ҳар бири ушбу мамлакатларга нисбатан исталган божхона тарифларини белгилашга ҳақлидир. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдода эркин божсиз савдо айланмаси режими фақат саноат товарларига нисбатан амал қилади, чунки ЕЭСУ конвенциясининг амал қилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жорий этилмайди.

1972 йилда ЕЭСУга кирувчи ҳар бир давлат ЕИХ/ЕИ битим имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва микдорий чеклашлар аста-секин пасайтирилди. Ушбу мамлакатлар ўртасидаги божсиз савдо товарнинг келиб чиқишига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи мавжуд эмаслиги туфайли ЕЭСУ ичида эркин божсиз савдо фақат аъзо мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун мавжуддир.

1994 йилда ЕЭСУ ва ЕИ ягона иқтисодий макон (ЯИМ) ташкил этиш туғрисидаги битимни имзолади. Унга Ғарбий Европа мамлакатларидан фақат Швейцария кирмади. Битимнинг асос бўлувчи принциплари капиталлар, товарлар, хизматлар ва жисмоний шахсларнинг эркин ҳаракат қилишидир.

Таъкидлаш зарурки, ягона иқтисодий макон божхона иттифоқи ҳисобланмайди. ЕИ ва ЕЭСУ тузилмаси доирасида унга кирувчи давлатлар на ягона савдо сиёсати ва на учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларига эга. ЯИМга битим қатнашчилари бўлган давлатлар вазирларидан иборат Кенгаш қилади.

ЕЭСУ унга кирувчи давлатлар ривожланганлигининг юқори даражасига ва ўзаро иқтисодий алоқаларга қарамай, тўлақонли интеграциявий гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХ ва ЕИнинг янги аъзолари учун ўзига хос "тайёргарлик синфи" бўлди.

Шундай қилиб, интеграция жараёни энг бошидаёқ, аъзо мамлакатларнинг мувофиқлашган сиёсати рўбару келди.

Европа иқтисодий ҳамжамияти қабул қилган мақсадларни рўёбга чиқариш жараёнида:

1) Саноат интеграциясининг жадаллашуви таъминланди;

2) қишлоқ, хўжалик жамғармаси фаолияти орқали биргаликда хомийлик ўрнатиш, тўлов йиғимларини жорий этиш шаклида агар интеграцияни жадаллаштиришга ҳаракат қилинди;

3) Европа валюта тизими юзага келди.

Ана шу чора-тадбирларнинг барчаси иқтисодий интеграциянинг кенг томир ёйишига, Европа иқтисодий ҳамжамияти таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт – шароитлари ва унинг босқичлари нималардан иборат?

2. “Домино” самараси-деганда нимани тушунаси?

3. Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари ниялардан иборат?

3. Европа иттифоқининг кенгайиш тенденцияларини гапириб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

3. Вахабов А.В. ва б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар., “Молия нашриёти”, 2011.

4. Ишмухамедов А.Е., Юсупов А.С. Миллий ва халқаро иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007.

5. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Монография. -Т., ТДИУ, 2005.

6. Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Тошкент., «ЖИДУ», 2005.

7. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья: пособие для вузов. Под. ред.: М.П. Ратановой, “Дрофа” нашриёти, 2006.

8. Калюжнова Н.Я. Конкурентоспособность регионов в условиях глобализации. М.: ТЕИС, 2003.

17. Нейсбитт Дж. Глобальный парадокс / Пер. с англ., 1994.

18. The Global Competitiveness Report 2002-2003.

19. БМТ Минг йиллик маърузаси., Тошкент, 2003.

20. UNDP Human Development Report, 1996, New York, July 1996.

2-мавзу. Европа Иттифоқи (ЕИ) – олий иқтисодий интеграция шакли сифатида

Режа:

1. Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг тарихий ривожланиш босқичлари.
2. Европада минтақавий интеграциялашув моделининг зарурий шарт-шароитлари ва тамойиллари.
3. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
4. ЕИнинг замонавий ривожланиш муаммолари.

Калит сўзлар: *Маастрихт шартномаси, Европа ҳамжамияти (ЕҲ) ташиклоти, Европа Эркин Савдо Ассоциацияси, «Умумий бозор», Европа иттифоқи, сиёсий иттифоқ, валюта иттифоқи, Евро худуди.*

1. Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг тарихий ривожланиш босқичлари

XX асрнинг 50-йилларида руй берган тарихий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалар Ғарбий Европа минтақасида йирик интеграцион блокнинг таркиб топишига замин яратди.

1951 йилнинг апрелида 6 мамлакат: Бельгия, Нидерландия, Люксембург (БЕНИЛЮКС давлатлари) ҳамда Франция, Германия, Италия ўртасида кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича Европа бирлашмаси (ЕОУС)ни таъсис этиш тўғрисидаги Париж шартномасининг имзоланиши, Ғарбий Европа интеграцияси тарихида муҳим ўрин эгаллади.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланишида 1950 йилнинг 9 майида Германия ва Франция ўртасида кўмир ва пўлат ишлаб чиқарилишини мувофиқлаштиришни таклиф этган Франция ташқи ишлар вазири Р.Шуманнинг алоҳида ўрни бор.

Умумевропа ҳамкорлигини бирлаштиришда таниқли иқтисодчи олим Альфред Маршалл томонидан 1948 йилда таклиф этилган «Маршалл режаси»нинг ҳам ўрни бекиёсдир. Мазкур режа доирасида Ғарбий Европа давлатлари ўз хўжалик ҳаётини тиклаш ва қайта қуриш учун АҚШдан жуда катта – 12,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида моддий ёрдам олган эдилар.

Бундан ташқари 1949 йилда собиқ СССР бошчилигида Шарқий Европа давлатларининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг (ЎИЁК) ташкил этилиши ҳам Ғарбий Европа мамлакатлари миллий хўжаликларини бирлаштириш учун туртки бўлди.

1955 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган Мессин анжумани қарорлари ҳам интеграцион жараёнлар ривожланишини юқори босқичга олиб чиқди. Ушбу анжуманда Европа интеграциясининг истиқболлари белгилаб олинган бўлиб, бундан мақсад миллий хўжаликларни бирлаштириш ва шунингдек ижтимоий, сиёсатда мувофиқлаштириш орқали умумий бозорни шакллантириш эди.

1957 йилда мазкур мамлакатлар ўртасида божхона иттифоқи ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсатни олиб бориш мақсадида Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИҲ)ни ташкил этиш тўғрисидаги Рим шартномаси ҳамда атом

энергетикаси бўйича Европа ҳамкорлиги (Евроатом) ташкилотларини тузиш бўйича шартномаларнинг имзоланиши эса, том маънода Ғарбий Европа минтақасида интеграция жараёнларининг авж олишига сабаб бўлди. Рим шартномасининг кучга кириши билан кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича Европа бирлашмаси (ЕОУС), ва Евроатом ташкилотлари Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига бирлашиб кетди. 1958 йилда расман Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ташкил этилди.

Ушбу шартномалар 1960 йилда Буюк Британия, Австрия, Дания, Норвегия, Португалия, Швеция, Швецария мамлакатлари ўртасида Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЕСА) битимининг имзоланишига сабаб бўлди.

Ушбу ҳужжатлар интеграцион жараёнларни ривожлантиришга доир асосий ёндашувларни, жумладан, "тўртта эркин макон" ни (товарлар ва хизматлар кўрсатиш; капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши маконларини) яратиш имконини берди.

Ва ниҳоят, мустамлакачилик империясининг (Буюк Британия, Франция, Испания, Португалия ва бошқаларнинг) парчаланиши собиқ метропол давлатларни ўз материгидаги қўшилари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга эътибор беришга мажбур этди.

XX асрнинг 60-йилларида Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ташкилотининг давлатлараро мувофиқлаштирувчи органларини шакллантириш жараёни амалга оширилди. Вазирлар кенгаши, Европа Комиссияси ва Европа суди ташкил топди.

1974 йилга келиб Европа Кенгаши ташкил топди. 1979 йилдан эътиборан Европа парламенти фаолият кўрсата бошлади ва Европа валюта тизими жорий этилди.

Кейинчалик ушбу ташкилот «*Умумий бозор*» ёки Европа иттифоқи (ЕИ) номини олди.

2. Европада минтақавий интеграциялашув моделининг зарурий шарт-шароитлари ва тамойиллари

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа давлатларининг тарихий ривожланиши билан боғлиқ бир қатор иқтисодий ва сиёсий муаммолар юзага келди.

Биринчидан, Европа иқтисодий ва монетар Иттифоқини тузиш ва ягона пул бирлигини муомалага киритиш билан боғлиқ муаммо бўлса,

иккинчидан, кучли рақобатчилик, ижтимоий-сиёсий, ҳудудий ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик муаммоларнинг юзага келганлигидир.

Ғарбий Европа минтақасида ЕИХни тузиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган зарурий шарт-шароитлар эса қуйидагилардан иборат бўлди:

- иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германиясининг мағлубиятга учраганлиги;

- Европада халқаро алоқаларнинг янги бошқарув тизимини тузиш орқали миллатчилик ғоясидан қутулишга бўлган ҳаракатлар;

- иккинчи жаҳон уруши натижасида Европа иқтисодиётининг бутунлай издан чиққанлиги;

- Европанинг марказида рақобатлашувчи сиёсий ва иқтисодий мафкўраларга эга бўлган икки глобал супер ҳокимият (ГФР ҳамда ГДР) нинг пайдо бўлганлиги;

- Европанинг икки системага (капиталистик ва социалистик) бўлиниши ва Ғарбий Европада собиқ СССРга қарши сиёсий мафкўравий кўрашнинг кучайиши;

- Ғарбий Европада хавфсизлик ва муҳофаази иқтисодий қайта қуриш тараққиётига бўлган эҳтиёж;

- Ғарбий Европада сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг тамойили сифатида Франция–Германия ўртасида иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга бўлган ҳаракатлар ва б.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси тараққиётининг тўрт асосий босқичини ажратиш кўрсатиши мумкин:

Биринчи босқич – XX асрнинг 50 йиллари ва 70 йиллар бошига тўғри келади. Бу давр ЕИХга аъзо мамлакатлар ўртасида айрим савдо маҳсулотларидан олинган пошлиналарнинг доимий равишда ўзгариб туриши, божхона иттифоқининг ташкил топиши, ҳамда ягона бож сиёсатини юритиш ва савдо борасида ягона бож тарифларини амалиётга тадбиқ этиш билан характерланади. Эркинлаштириш нафақат бож тўловлари борасида, балки капитал, ишчи кучи, хизматлар ва шу кабиларнинг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланишини таъминлашга қаратилди. Шунингдек Ҳамжамият доирасида ишчи кучининг эркин яшаши учун ҳам зарурий шарт-шароитлар яратилди. Учинчи мамлакатлар билан ҳам савдо муносабатлари яхшиланди.

1960 йилларнинг бошида ЕИХ доирасида ягона аграр сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бир хил нархлар белгиланди. Натижада Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар ички бозорида, шунингдек АҚШда ҳам маҳсулот сотиш ва капитал жамғариш жараёни анча шиддатли тус олди.

1969 йилда Гаага шаҳрида (Нидерландия) бўлиб ўтган мажлис ЕИХ тарихида иккинчи босқич тугаганлигидан далолат беради. Бу даврни Божхона Иттифоқи (БИ) босқичи деб ҳам аташ мумкин.

1973 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига учта янги мамлакат, яъни: Буюк Британия, Ирландия ва Дания тўлақонли аъзо бўлди. Европадаги «олтилик» кучли «тўққизлик»га айланди.

Иккинчи босқич – 70-йиллар ва 80-йиллар ўрталарига тўғри келади. Бу давр Ғарбий Европа интеграцияси тарихида турғунлик ва инқироз, «асаббузарлик» даври сифатида киритилган. Айни пайтда, ЕИХга аъзо мамлакатлар кўламида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажмининг бирдан тушиб кетиши, миллий хўжаликлар иқтисодий тараққиётида номутаносибликни келтириб чиқарди.

ЕИХ доирасида юзага келган бундай иқтисодий турғунлик ҳолатига фақат интеграциялашув жараёнларидангина имконият қидириш мумкин эди.

Натижада 1979 йилда ЕИХ доирасида Европа валюта тизимини жорий этиш билан боғлиқ валюта интеграцияси жараёнини кенг миқёсда олиб борилди.

1981 йилда ЕИХ таркибига Грециянинг келиб қўшилиши натижасида миллий хўжаликлар иқтисодий тараққиётининг бироз мўътадиллашуви кузатилди.

Учинчи босқич – 80-йиллар иккинчи ярми ва 90-йиллар бошига тўғри келди. Бу давр Ғарбий Европа интеграциясининг муваффақият қозонган даври бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг ЕИХга келиб қўшилиши натижасида аъзолар сони 12тага етди. Бу давр Ғарбий Европа интеграцияси тараққиётида янги интилишлар, Ягона Европа Акти (ЯЕА) ни тузиш ва иқтисодий иттифоқни шакллантириш даври бўлди.

Ягона Европа Актининг имзоланиши ЕИХнинг сиёсий ва иқтисодий кўринишини белгилаб берди ва шунингдек, молия-валюта ҳамда гуманитар соҳаларда ҳам интеграциялашувни фаоллаштириш учун зарурий шарт-шароитларни белгилаб берди.

У ЕИХнинг энг муҳим моҳияти бўлган ягона иқтисодий кенглик (яъни, ички чегараларсиз ҳудуд) ни вужудга келтиришни, янаям аниқроғи, аъзо давлатлар иттифоқини бир бутун хўжалик организми сифатида кашф этишни англатар эди.

ЯЕАга биноан Ҳамжамиятга янги аъзолар кирганда ёхуд уюшган аъзолик тўғрисида битим ёки учинчи мамлакатлар билан савдо битимлари тузилганда Европарламентнинг маъқуллаши кераклиги белгилаб қўйилди.

1990 йилда Ҳамжамиятнинг 12 давлат раҳбарлари инсон ва товарларнинг, капитал ва ахборотларнинг эркин ҳаракатланиши учун иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги чегараларни 1993 йилнинг 1 январидан эътиборан очиш тўғрисида Шенген битимини имзоладилар.

1992 йилда эса «Европа Иттифоқи тўғрисида» Маастрихт шартномаси имзоланди. 1992 йилнинг охиридан эътиборан ЕИХга аъзо мамлакатлар ягона ички бозор, ягона Европа фуқаролиги, ягона валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқни вужудга келтириш имкониятига эга бўлдилар.

Тўртинчи босқич – 90-йиллар ўрталаридан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. 1993 йил 1 январдан эътиборан ЕИХ доирасида эркин савдо ҳаракати янада фаоллашди. Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси тараққиётида янги имкониятлар даври бошланди.

1994 йил 1 январда Маастрихт шартномасининг бекор қилиниши ва ниҳоят, 1995 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига яна учта давлат: Австрия, Финландия ва Швециянинг қўшилиши натижасида ЕИга аъзо мамлакатлар сони 15 тага етди.

ЕИ давлатлари ўртасида айрим сиёсий ва иқтисодий масалаларни бошқариш 5та нуфузли сиёсий институтлар қўлига ўтди, булар: Европа парламенти, ЕИ комиссияси, Европа Кенгаши, Вазирлар Кенгаши, ЕИ суди каби қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидир.

Хуллас, Европа интеграцияси минтақада сиёсий ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тамойилларига асосланган бўлиб, ЕИХ ташкил этилгандан кейинги узоқ йиллар давомида интеграцион жараёнларнинг

«чуқурлашуви»⁴ ва «кенгайиши»⁵ якқол номоён бўлди, аъзо мамлакатларда иқтисодий ўсиш, самарадорлик ва ютуққа эришиш таъминланди. Агар ЕИнинг 1998 йилдаги асосий кўрсаткичларини АҚШ ва Япония билан таққослайдиган бўлсак қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: ЯИМ: ЕИ – 8 млрд., АҚШ – 7.2 млрд., Япония – 4.2 млрд.; Жаҳон бозоридаги улуши: ЕИ – 20,9%, АҚШ – 19,9%, Япония – 11,1%.

2004 йил 1 майда ЕИ таркибига Европанинг яна 10та давлати қўшилди ва аъзолар сони 25 тани ташкил этди. 2012 йил бошида эса ушбу ташкилот аъзоларининг сони 28 тага етган.

Ҳозирги кунда ЕИга аъзо мамлакатларда жаҳон мамлакатлари аҳолисининг 7-8%и, жаҳон савдосининг 40-45%и, жаҳон валюта захираларининг 36-40%и тўғри келади.

3. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш қонуниятлари

Европа монитар ва иқтисодий иттифоқида ягона валюта бирлиги ҳисобланган «евро»нинг муомалага киритилганлиги муҳим ўрин тутди. Иттифоқ доирасида ягона монитар сиёсатнинг юритилиши ва ягона валюта бирлигининг амал қилиши аъзо мамлакатлар учун ўзининг қуйидаги ижобий жиҳатларини номоён этмоқда:

- бозор интеграцияси ва рақобатни кенгайишини келтириб чиқарувчи чегаралар олиб ташланиб, барча махсулотларнинг нархлари бир хил умумий пул бирлигида ифода этилиши;

- ягона валютанинг ҳисоб бирлиги ва жамғариш воситаси сифатидаги самарадорлиги;

- давлатлараро савдода валютани алмаштиришдаги трансакцион харажатларнинг йўқотилганлиги;

- ўзгарувчан алмашув курсларидаги ноаниқликларнинг қисқартирилиши ҳисобига ресурсларни самарали тақсимлаш имкониятининг юзага келганлиги;

- бозор миқёси барқарорлигининг таъминланиши ва стандарт фоиз ставкаларининг ўрнатилиши натижасида инвестициялар оқимининг маромида ортиб борганлиги;

- девальвациянинг йўқотилиши оқибатида монитар, валюта ва ташқи савдо сиёсатига бўлган ишончнинг ортганлиги ва б.

Валюта иттифоқи доирасида биргина алмашув курси ноаниқсизлиги муаммосининг бартараф этилиши ЕИ миқёсида: ресурсларнинг самарали тақсимланиши, нарх механизми самарадорлигининг ортиши, аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш секторларини ривожлантириш, рақобат муҳитини яхшилаш, кичик ва ўртача бизнес корхоналари халқаро фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий аҳволни олдини олиш, уларга

⁴ Яъни: 1986 йилдаги ЯЕА, 1992 йилдаги Маастрихт шартномаси ва шунингдек, ЕИХ учун умумий пул бирлиги бўлган «евро»ни муомалага киритиш структурасининг ишлаб чиқилиши.

⁵ Яъни: унга аъзолар сонининг Шарқий Европа ва Болтиқ бўйи давлатлари ҳисобига йилдан йилга ортиб борганлиги.

«Европа умумий бозори»ни очиб бериш сингари ижобий натижаларни таъминлади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирда ЕИда юз бераётган ижобий ўзгаришлар: яъни, иқтисодий ўсиш, барқарор нархларнинг таъминланиши, давлатлараро савдо ва инвестициялар ҳажмининг кўпайиши ва бошқалар, айтиш мумкинки, миллий хўжаликларнинг Европа Марказий банки томонидан олиб борилаётган сиёсатга бўлган ишончининг тобора ортаётганлигидан далолат беради. Буни биз ЕИга аъзо давлатларга берилаётган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг энг минимал кўрсаткичлардаги ўзгариш аломатларида кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда ЕИ доирасида қўлга киритилаётган ижобий натижалар шунингдек, аъзо мамлакатлар ташқи савдосининг очиклиги даражасига ҳам бевосита боғлиқдир. Яъни, ташқи савдо ва ЯИМ пропорцияси қанчалик юқори бўлса, кутилаётган потенциал фойда шунчалик катта бўлади.

Европа монетар иттифоқининг аъзо давлатлар миллий хўжаликларига кўрсатадиган салбий жиҳатлари эса қуйидагилардан иборатдир:

- алмашув курси ва фоиз ставакасининг сиёсий дастак сифатидаги ролининг бой берилиши;

- миллий монетар сиёсатда автономиядан маҳрум бўлиш;

- миллий сиёсатда мажбурийлик тамойилининг қўлланилиши ва бошқалар.

Монетар интеграциянинг яна бир зарарли томони аъзо мамлакатлар ташқи савдосининг учинчи мамлакатларга нисбатан очиклиги даражасининг салбий боғланишда эканлигидадир.

Парадокс шундаки, иттифоққа аъзо мамлакатлар ичида савдо ва ЯИМ пропорцияси қанчалик юқори бўлса, мамлакатларнинг иттифоқ иқтисодиётига боғлиқлиги даражаси шунчалик юқори бўлади. Миллий сиёсатнинг самарадорлиги ҳамда автономияси эса шунчалик паст бўлади.

Экспертларнинг таъкидлашича, валюта иттифоқидан кутиладиган ютуқлар бой бериладиган имкониятлар чегарасидан юқори бўлган тақдирдагина Иқтисодий ва Монетар Иттифоқ ўзини тўлиқ оқлаган ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, ЕИ доирасида Иқтисодий ва Монетар иттифоқнинг амал қилиши ҳамда ягона валюта «евро» нинг муомалага критилиши иқтисодий интеграциянинг ўзига хос олий моделини яратиш имконини берди.

2.1-жадвал.

Европа Иттифоқи ва Европа монетар бирлигининг аъзолари

№	ЕИ мамлакатлари	Аъзо бўлган вақти	ЕВРО зонасига аъзолиги
1.	Германия	1952	аъзо
2.	Франция	1952	Аъзо
3.	Италия	1952	Аъзо
4.	Голландия	1952	Аъзо
5.	Белгия	1952	Аъзо
6.	Люксембург	1952	Аъзо
7.	Буюк Британия	1973	----

8.	Дания	1973	----
9.	Ирландия	1973	Аъзо
10.	Греция	1981	----
11.	Испания	1986	Аъзо
12.	Португалия	1986	Аъзо
13.	Швеция	1995	----
14.	Финландия	1995	Аъзо
15.	Австрия	1995	Аъзо
16.	Чехия Республикаси	2004	----
17.	Польша	2004	----
18.	Венгрия	2004	----
19.	Словения	2004	----
20.	Руминия	2004	----
21.	Словакия	2004	----
22.	Болгария	2004	----
23.	Эстония	2004	----
24.	Латвия	2004	----
25.	Литва	2004	----

Валюта иттифоқи томон ҳаракат уч босқичда амалга оширилди. Бу жараён: 1996 йилнинг 1 январигача тайёргарлик, 1999 йилнинг 1 январигача ташкилий, ва 2002 йилгача якуний босқичларни ўз ичига олди. Евро ҳудудига кириш учун асосий мезонлар қуйидагилардан иборатдир:

- бюджет камомади 2% дан юқори бўлмаслиги;
- давлат қарзи ЯИМнинг 60% дан юқори бўлмаслиги;
- йиллик инфляция 1,5% дан юқори бўлмаслиги;
- узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача номинал фоиз ставкаси йилига 2% дан юқори бўлмаслиги;
- валюта курсининг тебраниши 2,25% дан баланд бўлмаслиги ва бошқалар.

Валюта иттифоқига кирувчи мамлакатларга қўйилган талабларнинг қаттиқлиги ЕИ давлатларининг 2 гуруҳга сараланишига олиб келди. 2002 йилгача еврони муомалага киритадиган давлатлар (15тадан 11таси) ва бу жараённи 2002 йилдан кейинга қолдирувчи давлатлар (Буюк Британия, Греция, Дания, Швеция) ҳисобланади.

2002 йилнинг ўрталарига келиб 11та давлат ўз миллий валюталарини эмиссия қилишни тўхтатишди. Муомалага евронинг 5та танга пули ва 9та коғоз пуллари киритилди. Мавжуд миллий пул белгилари аста сёкин муомаладан чиқарилди. Барча ҳисоб-китоб операциялари халқаро электрон тизим «Таргет» ёрдамида еврога ўтказилди.

Ҳозирда Европа интеграцияси миқёсида ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган қуйидаги уч хил қарашлар концепцияси устувор аҳамият касб этмоқда: «Рақобат – иқтисодиётни ривожлантириш учун», «Ҳамкорлик – ЕИни кучлироқ қилиш учун», «Бирдамлик – Европа минтақасида яшовчи халқларни бирлаштириш учун».

4. Европа иттифоқининг замонавий ривожланиш муаммолари

Европа иттифоқининг асосий мақсади, Европа халқларининг узвий алоқасини ташкил этиш, барқарор иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ички чегараларсиз умумий маконни яратиш, ижтимоий соҳада алоқаларни кучайтириш ҳисобланади.

ЕИнинг энг муҳим тамойиллари сифатида аъзо мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашни кўрсатиш мумкин. ЕИнинг штаб-квартираси Брюсселда жойлашган. Бу ерда Кенгаш ўз мажлисларини ўтказиши ва Европа Комиссияси доимий равишда ўз фаолиятини олиб боради. Ўз навбатида Европа парламенти ва суди Люксембургда жойлашган.

ЕИни Европа Кенгаши бошқаради. Кенгаш аъзолари бўлиб мамлакатларнинг давлат ёки ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, Европа Комиссияси Раиси ва унинг бир аъзосидан таркиб топган. Кенгашнинг фаолият кўрсатиши ярим йилда бир марта ўтказиладиган сессиядир. Ушбу сессияларда энг муҳим сиёсий ва иқтисодий характердаги қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бу эса мамлакатларга маълум квота беришни талаб қилади. Масалан, Германия, Италия ва Буюк Британиянинг ҳар бири 10 тадан, Австрия ва Швеция 4 тадан, Дания, Ирландия ва бошқалар 2 тадан овозга эга. Вазирлар таркиби мажлис мавзусига қараб ўзгариб туриши мумкин. Кенгаш ўз фаолиятида доимий вакиллар қўмитасига суянади. Бу қўмита ЕИда аккредитациядан ўтган 28 та элчидан ташкил топган.

ЕИнинг олий қонун чиқарувчи органи Европарламент ҳисобланади. У 626 депутатдан ташкил топган. Бу депутатлар умумий сайловларда 5 йил муддатга мамлакат аҳолиси сонига қараб сайланади (энг кўп депутат ГФРдан сайланади - 99 та). Европарламент ўзининг умумий мажлисларини ойида бир марта бир ҳафта давомида Франциянинг Страсбург шаҳрида ўтказиши. Парламентнинг муҳим ҳуқуқи - ЕИ бюджетини тасдиқлашдир.

Европа Комиссияси – олий ижрочи орган бўлиб, доимий равишда фаолият юритади. Йирик давлатлар комиссияда 2 тадан, кичиклари эса 1 тадан овозга эга. Барча қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

ЕИ тузилмасининг аҳамиятга эга бўлган охириги ташкилоти – Европа судидир. Суд аъзо давлатларнинг умумий розилигига кўра олти йилга сайланадиган 15 та судья ва 9 та прокурордан таркиб топган. Суд иттифоқ аъзолари ва ЕИнинг алоҳида институтлари ўртасидаги баҳсларни ҳал этишда қатнашади.

XX асрнинг охири ва XXI аср бусафасида ЕИнинг Иқтисодий ва ижтимоий Қўмитаси интеграцион жараёнларнинг ривожланишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Бу маслаҳат берувчи орган бўлиб, у иқтисодий ва ижтимоий соҳа вакиллари бўлган 222 та аъзони бирлаштирган. Қўмита таркибида учта гуруҳ (иш берувчилар, ишчилар ва бошқа ижтимоий қатламлар – фермерлар, истеъмолчилар ва бошқалар) фаолият кўрсатади. Бу тузилма мавқеи жиҳатидан юқорида санаб ўтилган органларга тенглаша олмасда, ЕИ Кенгаши ва Европа

Комиссияси иқтисодий ва ижтимоий соҳага тегишли қарорларни ишлаб чиқишдан олдин Кўмита билан маслаҳатлашади.

Европа Иттифоқининг энг асосий муаммоларидан бири, бу ташкилотнинг бундан кейинги Кенгашини аниқлаштириш масаласидир. Бинобарин, ЕИ таркибига кирмоқчи бўлган давлатлар сони кўпчиликни ташкил этади. Уларни Иттифоқ таркибига қабул қилиш билан боғлиқ асосий муаммо – миллий хўжаликларнинг нисбатан паст даражада ривожланганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг тўлиқ яқунланмаганлигидир.

Айни пайтда Европарламент ваколатларини кенгайтириш ва ЕИ Кенгаши нуфузини аста-секин чеклаш аломатлари кузатилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида сўнгги йилларда ҳудудий иқтисодий бирлашмаларнинг (ташкилотларнинг) турли шакиллари ташкил топишида ЕИнинг тажрибаси катта бўлмоқда. Унинг афзаллик томонларидан бири, бу ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган мамлакатларнинг нисбатан устунликка эга бўлган ишлаб чиқаришини баҳам кўриш орқали иқтисодий муаммоларни баҳамжиҳатликда ҳал қилиш имкониятидир.

ЕИ интеграцияси тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир:

Биринчидан, иқтисодий интеграцияни амалга оширувчи мамлакатлар олдида ривожланиш, иқтисодиётни тартибга солиш сиёсий ҳамкорлик ва бошқа соҳаларда турган иқтисодий, молиявий муаммоларнинг умумийлиги ва ўхшашлиги;

Иккинчидан, давлатларнинг ўзаро иқтисодий ривожланиши даражасидаги яқинлик, яъни улар ўртасидаги фарқнинг унчалик катта бўлмаслиги;

Учинчидан, ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқинлик;

Тўртинчидан, мамлакатларнинг маданияти, урф-одатлари ва кадрларнинг тарихий бирлашиб кетиши;

Бешинчидан, интеграция фақат интеграция учунгина бўлиб қолмасдан, балки барча иқтисодий омиллар ва қулай шарт-шароитлардан ижодий фойдаланиш имкониятидир.

ЕИнинг иқтисодий масалаларига келадиган бўлсак, яқин йилларга мўлжал қилинган энг муҳим вазифа, бу валюта ислоҳотларини маромига етказиш ҳисобланади. Бу аъзо мамлакатларда босқичма-босқич миллий валюталарни муомаладан чиқариш ва ягона валюта «евро» ни жорий этиш орқали «Еврозона» ни аста-секин кенгайтириб бориш муаммосидир. Ушбу жараённинг ибтидоси, маълумки, 1992 йилдаги Маастрихт шартномасидан бошланган эди.

Бироқ бугунги кунда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг кескинлашуви шароитида ЕИ миқёсида «Еврозона»ни қўллаш билан боғлиқ хавф-хатарлар ташвиш туғдирмоқда.

Табиий савол туғилади: *Нима учун кўп йиллик ривожланиш тажрибасига эга бўлган йирик иқтисодий макон глобал мддиявий-иқтисодий инқироз зарбаларига дош бера олмаяпти?*

Экспертларнинг таъкидлашича, халқаро минтақавий иқтисодий уюшмаларга интеграциялашувда уларда иштирок этувчи мамлакатлар

ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаларининг бараварлиги, ҳеч бўлмаганда бир-бирларига яқин бўлиш қоидаси катта аҳамиятга эга.

ЕИда эса бунинг акси ўлароқ, сиёсий конъюнктурага берилиш оқибатида тараққиёт ва имконият даражалари турлича бўлган постсовет давлатларининг ҳам иттифоққа қабул қилиниши рўй берди. Натижа эса маълум. Танлов қоидаларининг умумийлик билан алмаштирилиши, тизим тараққиётига кучли зарба берди.

Назорат саволлари:

1. Европа Иттифоқи интеграциясининг ривожланиши неча босқични ўз ичига олади?

2. Европа Иттифоқи давлатларида ягона валюта тизимининг амал қилиш шарт-шароитлари ва тамойиллари қандай қонуниятларга асосланади?

3. ЭКЮ ва Евро валюта тизимларининг ўзаро фарқли жиҳатларини тушунтиринг.

3. ЕИ давлатларининг замонавий босқичдаги ривожланиш имкониятларига боҳо беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.

2. Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели / Н.Тўхлиев. – Тошкент.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2012.

3. Вахабов А.В. ва б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар., “Молия нашриёти”, 2011.

4. Ишмухамедов А.Е., Юсупов А.С. Миллий ва халқаро иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007.

5. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Монография. -Т., ТДИУ, 2005.

6. Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Тошкент., «ЖИДУ», 2005.

7. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья: пособие для вузов. Под. ред.: М.П. Ратановой, “Дрофа” нашриёти, 2006.

12. Мартин Г.-П., Шуманн Х. Западная глобализации: атака на процветание и демократию/Пер. с нем. – М.: Издательский дом «АЛЬПИНА», 2001.

13. Зуев А.Г., Мясникова Л.А. Глобализация: аспекты, о которых мало говорят. // Мировая экономика и международные отношения. №8, 2004.

14. Постиндустриальный мир и процессы глобализации. //Мировая экономика и международные отношения. № 3, 2000.

3-мавзу. Европа молиявий-иқтисодий инқирози

Режа

1. Европа иқтисодиёти ва молия тизимининг фундаментал ва циклик муаммолари.
2. Еврохудудга аъзо мамлакатлар молия тизимининг муаммолари.
3. Еврохудуд мамлакатлари молия тизимининг тартибга солиш механизми: институционал муаммолар.
4. Еврохудуд мамлакатлари суверен қарзлар муаммоси.
5. Лиссабон шартномаси ва “Барқарорлик пакти”нинг хусусиятлари ва уни еврохудуд мамлакатлари иқтисодий ривожланишига таъсири.

Калит сўзлар: монетар сиёсат, конфедератив тизим, еврокомиссия, пул-кредит тизими, бюджет- солиқ тизими, “Заиф бўгин”, “Барқарорлик пакти”

1.Европа иқтисодиёти ва молия тизимининг фундаментал ва циклик муаммолари.

Ҳозирги кунда Еврохудудда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз нафақат Еврохудуд таркибига кирувчи аъзолмамлакатлар иқтисодиётига балки, бутун жаҳон иқтисодиётига ҳам тасир этмоқда. Ҳозирги кунда инқироз кескин таъсир кўрсатган мамлакатлар(Греция, Португалия, Ирландия, Испания) иқтисодиётини инқироздан қутқариш, нисбатан барқарор иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар миллий иқтисодиётини инқирознинг салбий таъсиридан иммунитетини шакллантиришга қаратилган ислохотларга қарамсдан 2013 йил охирида ҳам кутилаётган натижаларга эришилмаяпти. Ушбу ҳолат Еврохудуднинг ривожланиш истиқболларини мавҳум ҳолатга келтирмоқда. Ҳаттоки, инсоният тарихида ўзига хос “Буюк бирлашув” ҳисобланган Европа иқтисодий конфедерациясининг интиҳоси ҳам бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмаслиги эътироф этилмоқда. Ҳозиргача кузатиб келинган еврохудуд таркибидаги мамлакатларда кузатилган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди.

Яқин истиқболда Еврохудуд таркибидаги мамлакатларнинг қай тарзда ривожланиши ва умуман, европа ҳамжамиятининг ривожланиш йўналиши ҳақида гапиридан олдин инқирознинг сабабларини, унга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш лозим.

Бизга маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШ молия тизимида етакчи бўгин ҳисобланган кредитлаш тизимидаги танглик ҳолатидан бошланган. АҚШ Федерал заҳира тизими томонидан олиб борилган монетар сиёсат АҚШ иқтисодиётидаги ялпи талабга ва хусусан истеъмол талабига жиддий таъсир кўрсатгани ва бу ўз навбатида молиявий секторда бошланган инқирознинг реал секторга трансформациялашувига ҳам сабаб бўлганлиги кенг иқтисодчилар томонидан эътироф этилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнгги жаҳон иқтисодиётида кузатилган молиявий-иқтисодий глобалашув жараёни Европа иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги молиявий иқтисодий боғлиқликни кучайиши олиб келди. Европа

иттифоқидаги интеграцион жараёнларининг кенгайиши, 1999 йилдан Евронинг ягона валюта сифатида муомалага киритилиши ва параллел равишда ягона валютага асосланган макондаги шакллантирилган молиявий бошқарув тизими Европа иттифоқи молия тизимининг ҳамкор мамлакатлар молия тизимидаги молиявий инқирозларга нисбатан етарли даражадаги ўзига хос “иммунитети”ни шакллантириб бера олмади.


2.Еврохудудга аъзо мамлакатлар молия тизимининг муаммолари.

Европа молиявий-иқтисодий инқирозининг туб негизи ва унинг масштабни еврохудуд молия тизимининг тизимли равишда такомиллашмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, еврохудуд таркибидаги мамлакатларда яҳлит Монетар сиёсат Европа Марказий банки томонидан олиб борилмоқда. Еврохудуд таркибидаги мамлакатларда иқтисодий, бюджет ва солиқ соҳасида олиб борилаётган сиёсатда улар нисбатан мустақилдир.

Дастлаб ЕИга аъзо мамлакатлар молия тизимини (банк, бюджет ва солиқ тизими) тизимли назорат қилувчи ягона органлар шакллантирилиши ва улар томонидан еврони қабул қилган мамлакатлар молия тизимидаги вазиятни комплекс бошқариш механизмини шакллантирилиши зарур эди. Шундан сўнг умумий кредит-пул тизими жорий этилиши зарур эди. Ҳозирги шароитда Еврокомиссия ва ЕМБ Еврохудуд иқтисодиёти ва молия тизимини реал бошқариш имкониятига эга бўлмапти. Натижада унинг еврони миллий валюта сифатида қабул қилган мамлакатлардаги молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти мавжуд эмас.

Аммо уммуммиллий бошқарув органларига юқорида назарда тутилган ваколатларни берилиши Ягона Европа бошқарув тизимини амалдаги конфедератив тизимидан федератив принципларига ўтишини тақозо этади. 80-йиллар ишлаб чиқилган европадаги ягона валютага ўтиш концепциясида ушбу бошқарув принципи тўғрисида сўз юритилмаган. Унда ягона валюта шароитида еврохудудаги ҳар бир мамлакатлардаги пул-кредит, бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги суверенитетини Еврокомиссия билан ўзаро бўлишишга тайёр эмас эдилар.

1999 йил ягона валютанинг муомалага киритилиши билан параллел равишда пул-кредит ва бюджет-солиқ соҳасидаги фаолиятни ягона координация қилишни кўзда тутувчи мукамал назорат органлари конструкцияси шакллантирилмади. Бунга бир қатор объектив ва субектив омиллар таъсир қилган эди. Ҳаттоки, замонавий шароитларда Еврохудуддаги инқироздан сабоқ чиқарган ҳолда, шундай органларга эҳтиёж мавжудлиги Брюсселдаги расмий учрашувларда ҳам таъкидлаб ўтилишига қарамасдан, конфедерацияга аъзо мамлакатларнинг барчаси ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларни маъқулламайдилар.



3.1-расм. Умумий назорат органларини ташкил этиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.

Умумий назорат органларини ташкил этиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўровда Еврокомиссия томонидан тизимли назорат қилувчи органлар зарурлигини Германияда 53% респондентлар маъқуллаганлар. Италияда 43%ни, Словакияда 43%ни, Испанияда эса 42%ни ташкил этган. Еврокомиссияда асоси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатлар умумий назорат қилувчи органларни шакллантиришни мақуллайдилар. Чунки, ушбу мамлакатлар (асосан Германия, Франция, Буюк Британия (Еврохудудга аъзо эмас)) еврокомиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларда ҳал қилувчи овозга эгадир. Ушбу ҳолат ҳам Европа молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан биридир.

Европа иттифоқида нобарқарор иқтисодий муҳитнинг вужудга келишидаги асосий омиллардан бири унга аъзо мамлакатлар, хусусан, еврохудудга аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳиятидаги тафовут ва улардаги иқтисодий ўсиш суръатларидаги кескин фарқ ҳам ҳисобланади. Айниқса, 2004-2008 йиллардаги европа иттифоқининг(еврохудуд) кенгайиши билан бирга қарийиб 10 йил мобайнида фаолият юритиб келган еврохудуд таркибидаги мамлакатлар иқтисодий тараққиётидаги номуносиблик таъсиридаги зиддиятлар ҳам кучайиб борди.

3.Еврохудуд мамлакатлари молия тизимининг тартибга солиш механизми: институционал муаммолар.

Европа марказий банки томонидан олиб борилаётган сиёсат эса асосан еврохудуд таркибидаги кучли мамлакатларга қаратилган. Бошқа мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва ривожланиш хусусиятлари, уларнинг салоҳияти умумий қарор қабул қилишда деярли таъсир кучига эга бўлмади. “Заиф бўғин” ҳисобланган мамлакатлар Еврокомиссия, Европа Марказий банки томонидан жорий этилган шартларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас эдилар. Натижада ушбу мамлакатлар бюджет мувозанатини таъминлашга йўналтирилган Европа иттифоқи қоидаларини буза бошладилар. Масалан,

Греция евроҳудудга аъзо мамлакатлар томонидан имзолаган “Барқарорлик Пакти”, Бюджет интизоми бўйича белгиланган чегарадан сурункали равишда четга чиқа бошлади. Европа марказий банки Евроҳудуд таркибидаги мамлакатлар молия тизимини яхлит бошқариш имкониятига эга бўлмади қолди.

Узоқ вақтлар давомида том маънодаги евроиттифоқнинг кучли мамлакатлари (Бунда асосан Германия, Франция, Буюк Британия, Италия назарда тутилади) евроҳудуднинг умумий иқтисодий ўсиш суръатига заиф бўғин ҳисобланувчи мамлакатлар (Бунда асосан Греция, Португалия, Ирландия бошқа шарқий европа мамлакатларини киритиш мумкин) иқтисодиётидаги ноутаносиб ҳолат жиддий таъсир этмаслигини кўзда тутиб, улар иқтисодиётида шаклланган салбий ҳолатга нисбатан “Кўз юмиб” келдилар. Евроҳудуд таркибига кирган мамлакатлар иқтисодиётини назорат қилувчи Европа иқтисодий барқарорлаштириш механизми деярли ишламади. Ҳаттоки, айрим кучли мамлакатлар (масалан, Италия) ҳам белгиланган шартларни буза бошлади. Натижада, Евроҳудуд иқтисодиётидаги зиддиятлар кескинлашиб бораверди.

4.Евроҳудуд мамлакатлари суверен қарзлар муаммоси.

Аксарият экспертларнинг тасдиқлашича, Евро ҳудуд таркибидаги мамлакатларда кузатилаётган суверен қарзлар муаммоси, евроҳудуд мамлакатлари ва бутун Европа итифоқи иқтисодиётига асосий негатив таъсир кўрсатувчи омил бўлганлиги эътироф этилмоқда. Шунингдек, суверен қарзлар муаммоси АҚШ ипотека бозоридаги инқироздан сўнг тез ривожланиб борди. АҚШ ипотека бозоридаги инқироз европа банкларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши натижасида, Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари тижорат банклари омонатчилари манфаатларини ҳимоялаш учун банкларнинг “ёмон активлари” бўйича мажбуриятларини ўзига хос равишда миллийлаштирдилар. Ушбу тадбирларнинг молиялаштириш билан боғлиқ йирик масштабдаги молиявий ресурслар асосан ҳукуматларнинг қарз мажбуриятлари ҳисобига шакллантирилди. Евроҳудуд таркибига кирган мамлакатлар учун Маастрихт шартномасида белгиланган 3%лик меъёрдан юқори бюджет тақчиллиги кузатилаётган мамлакатлар ташқи кредитлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч кела бошлади ва бу уларнинг кредит рейтингини тушишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида, заиф бўғин ҳисобланган евроҳудуд мамлакатлари томонидан миллий валютани девалвация қилиш ёрдамида иқтисодиётни соғломлаштириш имкониятларини чекланишига олиб келди. Айнан ушбу ҳолат Грецияда рўй берди. Агар статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2012 йил маълумотлари бўйича Грециядаги умумий қарздорлик 340 евро, ЯИМга нисбатан эса 160%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2013 йилги маълумотлар бўйича 175%га етган. Қарз структурасини таҳлил қиладиган бўлсак, Греция давлат қарзлари структурасида Европа марказий банкининг улуши 18%ни ташкил этади. ХВФнинг улуши-5%, Еврокомиссиянинг улуши -14%, бошқа мамлакатлар олдидаги мажбуриятлар жами мажбуриятларда 33%ни ҳамда ижтимоий тўловлар ва бошқа харажатлар бўйича қарздорлик 30%ни ташкил этади.

Жами мажбуриятлари таркибида ижтимоий тўловлар ва бошқа харажатларнинг улуши 30%ни ташкил этиб, ушбу харажатлар кейинги йилларда янада кўпайиб бормоқда. У ўз навбатида ишсизликнинг авж олиши натижасида аҳоли таркибидаги иқтисодий фаол аҳолининг салмоғини пасайиб бориши билан ҳам изоҳланади. Хусусан, 2012 йил маълумотлари бўйича жами аҳолининг 47%и иқтисодий фаол ҳисобланиб, мос равишда ишсизликнинг даражаси 16,3%ни ташкил этган. Агар ўша даврда жон бошига бюджет харажатлари 10600 еврони ташкил этган бўлса, бюджетнинг солиқлар ҳисобига шакллантирилган даромадлари 8300 еврони ташкил этган.

2010 йил май ойида Еврохудуд мамлаатлари молия вазирлари учрашувида вақтинчалик асосда Европа молиявий-иқтисодий барқарорлаштириш фондини ташкил этиш тўғрисида қарор қалуб қилгандилар. Ушбу фондни ташкил этишдан асосий мақсад инқироз жиддий таъсир кўрсатган мамлакатларга молиявий ёрдам бериш ҳисобланган. Бунда сўз асосан Греция, Испания, Португалия, Ирландия ва Италия тўғрисида кетган эди.. Ушбу фондга Еврохудуд аъзолари ҳисобланган мамлакатлар томонидан 500 млрд. евро ва ХВФ томонидан 250 млрд. евро миқдрида бадалик тўловлари амалга оширилди.

Европа молиявий барқарорлаштириш фонди 2012 йил июл ойдан бошлаб европа молиявий барқарорлаштириш механизмига амаллаштирилди.

3.1-жадвал

Европа иқтисодий ва молиявий барқарорлаштириш фондининг шаклланиши


Мамлакатлар	Бирламчи бадаллар			Кўпайтирилган бадаллар	
	Кафолатланган мажбуриятлар (млн €)	Улуш	€/киши	Кафолатланган мажбуриятлар (млн €)	Улуш
Австрия	12 241,43	2,78 %	1 464,86	21 639,19	2,7750 %
Бельгия	15 292,18	3,48 %	1 423,71	27 031,99	3,4666 %
Германия	119 390,07	27,13 %	1 454,87	211 045,90	27,0647 %
Греция	12 387,70	2,82 %	1 099,90	21 897,74	2,8082 %
Ирландия	7 002,40	1,59 %	1 549,97	12 378,15	1,5874 %
Испания	52 352,51	11,90 %	1 141,75	92 543,56	11,8679 %
Италия	78 784,72	17,91 %	1 311,10	139 267,81	17,8598 %
Кипр	863,09	0,20 %	1 076,68	1 525,68	0,1957 %
Люксембург	1 101,39	0,25 %	2 239,95	1 946,94	0,2497 %
Мальта	398,44	0,09 %	965,65	704,33	0,0903 %
Нидерландия	25 143,58	5,71 %	1 525,60	44 446,32	5,6998 %
Португалия	11 035,38	2,51 %	1 037,96	19 507,26	2,5016 %
Словакия	4 371,54	0,99 %	807,89	7 727,57	0,9910 %
Словения	2 072,92	0,47 %	1 009,51	3 664,30	0,4699 %
Финляндия	7 905,20	1,80 %	1 484,51	13 974,03	1,7920 %
Франция	89 657,45	20,38 %	1 398,60	158 487,53	20,3246 %
Эстония				1 994,86	0,2558 %
Еврохудуд (16) Эстониидан ташқари	440 000,00	100 %	1 339,02		
Еврохудуд (17)				779 783,14	100 %

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушбу фонд маблағларини тақсимланишида: 28% – Германия, 20 % – Франция, 18 % – Италия, 12 % – Испания, 6% – Нидерландияга тўғри келмоқда. Бошқа барча мамлакатларга 17% атрофидаги улуш тўғри келиб, ҳар бир мамлакатларга ўртача 0,5%дан 3,5% атрофида тебранади.

5.Лиссабон шартномаси ва “Барқарорлик пакти”нинг хусусиятлари ва уни евроҳудуд мамлакатлари иқтисодий ривожланишига таъсири.

2011 йилда бўлиб ўтган европа иттифоқи мамлакатларининг ноябр саммитида ўзига хос “Бюджет пакти” қабул қилидики, унда Масстрихт мезонлари бўйича белгиланган бюджет тақчиллигининг белгиланган лимитидан ортган мамлакатлар учун интизомий жазо чораларини қўлаш белгиланган эди. Ушбу интизомий жазо чоралари автоматик тавсифга эга бўлиб, ушбу механизм бўйича санкцияни қўллашни блокировка қилиш мураккаб бўлиб, бунинг учун Евроҳудуд таркибига кирувчи мамлакатларнинг $\frac{3}{4}$ қисмининг овози талаб қилинади. Бюджет пакти уни тасдиқлаган барча европа иттифоқи мамлакатлари томонидан ратификация қилиниши кўзда тутилган эди. Бунда ўзига хос равишдаги ушбу “Олтин қоида” шартномани имзолаган мамлакатлар миллий қонунчилигининг бир қисми бўлиши талаб қилинган эди.

Ушбу саммитда қабул қилинган янги келишувлардан яна бири, шундан иборат бўлдики, Европа иттифоқи мамлакатлари ўзларининг истиқбол учун шакллантирган бюджет режасини парламентда ратификация қилишдан олдин, еврокомиссияга тақдим этишлари шарт қилиб бегиланди. Бунда Ервокомиссия бюджет режасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмасада, унга қўшимча таклифларни тавсия этиши ва ушбу тавсияларни қабул қилиниш даражаси Еврокомиссия томонидан тақдим этиладиган молиявий ёрдам учун асосий мезон сифатида қабул қилиниши белгилаб олинди.



3.2-расм. Европа иттифоқининг айрим мамлакатларида бюджет тақчилигининг ҳолати.

Евроинқирозни олдини олиш борасида навбатдаги муҳим қадамлардан бири 2012 йил июн ойида ўтказилган Европа иттифоқининг саммитида қабул

қилинган қарорлар ҳисобланади. Ушбу саммитда асосан банк тизимининг умумий координациясини кучайтириш ҳисобланади. Ушбу қарор Европа иттифоқи тузилмасини Конфедератив тузилмадан Федерализм томон ривожлантиришда муҳим кадам бўлди. Унда европа иттифоқи мамлакатларида ҳукм сураётган суверен қарзлар муаммосидан банк тизимини ўзига хос равишда нейтраллаштириш, Марказий ҳокимиятни банк тизимини бошқаришдаги ваколатларини кенгайтиришга ҳаракат қилинди. Бундаги асосий механизм шундан иборат эдики, Европа иқтисодий ва молиявий барқарорлаштириш фонди ва Европа молиявий барқарорлик механизми ҳукуматларсиз банкларни тўғридан-тўғри қайта молиялаш имкониятига эга бўлди. Бунгача, банклар учун берилган маблағлар Евроҳудуд мамлакатлари ҳукуматлари орқали берилган. Шу билан бир қаторда ушбу саммитда супервизор деб номланувчи янги европа органи банклар фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилиш имкониятига эга бўлди.

Жорий ҳолатдаги асосий вазифалар

Бугун еропа иттифоқи олдида 2 та ўзаро бир бирига боғлиқ вазифа турибди: яқин истиқболда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ва узоқ истиқболда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни ўз ичига олади.

Яқин истиқболга мўлжалланган вазифаларнинг асосийси, яҳлит Евроҳудуд учун иқтисодий жиҳатдан хавф солаётган мамлакатладаги вазиятни юмшатиш мақсадида улар иқтисодиётини қўллаб-қуватлаш ҳисобланади.

Бюджет харажатларини қисқартириш дастури нисбатан мураккаб ва 5 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади ва ижтимоий муаммолар нуқтаи назардан кескин аҳамият касб этувчи масалалардан бири ҳисобланади. Масалан, Америкалик иқтисодчи Пол Кругманнинг таъкидлашича, Грециядаги иқтисодий инқирозни олдини олиш учун Греция аҳолисини арзон турмуш тарзига ўргатиш зарур. Бу ўз навбатида Греция давлат бюджети харажатлари таркиида залворли юк бўлган ижтимоий соҳа харажатларини қисқартириш имкониятларини яратади.

Инқироз кескин авж олган мамлакатлар аҳолинининг норозилиги асосан ўзларининг моддий ҳолатини ёмонлашганлиги сабабли юзага келмоқда.

Федератив Европани барпо этиш билан боғлиқ масала, бажарилиши лозим бўлган масалаларнинг энг мураккаби ҳисобланади. Европа иттифоқидаги инқироз, умуммиллий назорат органларини шакллантириш заруратини туғдирмоқда. Европа иттифоқи валюта-молия тизими европа умуммиллий назорат қилувчи органлари томонидан координация қилинмоқда (Европа Марказий банки).

Назорат саволлари

1.Европа иқтисодиёти ва молия тизимининг фундаментал ва циклик муаммолари нималардан иборат?

2.Евроҳудудга аъзо мамлакатлар молия тизимининг муаммоларини санаб беринг.

3.Евроҳудуд мамлакатлари молия тизимининг тартибга солиш механизми: институционал муаммоларни тавсифланг.


4. Лиссабон шартномаси ва “Барқарорлик пакти”нинг хусусиятлари ва уни еврохудуд мамлакатлари иқтисодий ривожланишига таъсирини айтиб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Вахабов А.В. ва б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар., “Молия нашриёти”, 2011.
2. Ишмухамедов А.Е., Юсупов А.С. Миллий ва халқаро иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007.
3. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Монография. -Т., ТДИУ, 2005.
4. Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Тошкент., «ЖИДУ», 2005.
5. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья: пособие для вузов. Под. ред.: М.П. Ратановой, “Дрофа” нашриёти, 2006.
6. Калюжнова Н.Я. Конкурентоспособность регионов в условиях глобализации. М.: ТЕИС, 2003.
7. 17. Нейсбитт Дж. Глобальный парадокс / Пер. с англ., 1994.
8. 18. The Global Competitiveness Report 2002-2003.
9. 19. БМТ Минг йиллик маърузаси., Тошкент, 2003.
10. 20. UNDP Human Development Report, 1996, New York, July 1996.

ТАҚДИМОТ





Европа Иттифоқининг эълон қилинган асосий мақсадлари:

- - европа фуқаролигини киритиш;
- - эркинлик, хавфсизлик, қонунийликни таъминлаш;
- - иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш;
- - Европанинг дунёдаги ўрнини мустаҳкамлаш.

Йиллар	1957	1958	1959	1960	1961	1962	1963	1964	1965	1966	1967	1968	1969	1970	1971	1972	1973	1974	1975	1976	1977	1978	1979	1980
Аълолар миқдори	Таркибда 6 мамлакат (Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция)																Таркибда 9 мамлакат (Буюк Британия, Дания, Ирландия қўшилди (1 январь 1973 й.))							
Номи	Европа иқтисодий ҳамжамияти																							
Интеграцияlash шув даражаси	Эркин савдо ҳудуди											Божсизона иттифоқи (1968 й. 1 июндан)												
Валюта интеграцияси																		Европа "валюта иттифи" (1972 й. 24 апрелдан)			Европа валюта иттифи (1979 й. 13 январдан)			
ЕИ – ривожланган мамлакатлар						ЕИХ билан Африканинг 18 мамлакатини ўртасида ассоциация бўйича Яндек келишуви (1963 й. 20 июль)					ЕИХ ва 46 ривожланган мамлакатлар ўртасидаги биринчи Ломе келиши (1975 й. 28 февраль)					ЕИХ ва 58 ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иккинчи Ломе келиши (1979 й. 31 октябрь)								
ЕИ-ЕЭСА (EFTA)	EFTA билан эркин савдо тўғрисидаги Келишув (1977 й. 1 июль)																							
Ягона тармоқ сўбаси	Ягона қишлоқ ҳўжалиги сўбаси (1962 й. 30 июндан)																							
	Атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича ягона сўбас																							
	Тадқиқотлар ва таслим ривожлашни бўйича ягона сўбас																							
Европа парламенти	Европа парламентига дастлабки сайловлар, 1979 й. 7-19 июль																							
Асосий келишувлар	Рим шартномаси (1957 й. 25 мартда имзоланган, 1958 й. 1 январдан қуча кирган)																							
	ЕИХ, ЕКПҲ ва Еврокомиссиянинг қўшилгани тўғрисидаги Шартнома (1965 й. 8 апрелда имзоланган, 1967 й. 1 июндан қуча кирган)																							

Йиллар	1981	1982	1983	1984	1985	1986	1987	1988	1989	1990	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000			
Аълолар миқдори	10 аъло-мамлакат (Греция қўшилди (1979 й. 28 майдан))					Таркибда 13 мамлакат (Испания ва Португалия қўшилди (1986 й. 1 январдан))					Таркибда 15 мамлакат (Австрия, Финляндия, Швеция қўшилди (1995 й. 1 январь))												
Номи	Европа иқтисодий ҳамжамияти															Европа иттифоқи							
Интеграцияlash шув даражаси	Божсизона иттифоқи					Ўзулаш бозор					Иқтисодий иттифоқ												
Валюта интеграцияси	Европа валюта иттифи										Европа валюта иттифи					Ягона валюта							
ЕИ – ривожланган мамлакатлар	2-Ломе келиши		ЕИХ ва 60 ривожланган мамлакатлар ўртасида 3-Ломе келиши (1984 й. 8 декабрь)			ЕИХ ва 69 ривожланган мамлакатлар ўртасида 4-Ломе келиши (1989 й. 15 декабрь)																	
ЕИ-ЕЭСА (EFTA)	EFTA билан эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги келишув																						
	ЕИ ва EFTA ўртасида Европа иқтисодий келиши тўғрисидаги Келишув (1991 й. 21 октябрда имзоланган, 1994 й. 1 январдан қуча кирган)																						
Ягона тармоқ сўбаси	Ягона қишлоқ ҳўжалиги сўбаси																						
	Атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича ягона сўбас																						
	Тадқиқотлар ва таслим ривожлашни бўйича ягона сўбас																						
	Энергетика соҳасида ягона сўбас																						
	Транспорт соҳасида ягона сўбас																						
	Ягона гунаҳдор, пассивий ва ҳудудий сўбас																						
Европа парламенти	Европа парламентига биринчи тўғрисидаги сайловлар		Европа парламентига иккинчи тўғрисидаги сайловлар (1984 й. 14 июль)			Европа парламентига учинчи тўғрисидаги сайловлар (1989 й. 18 июль)					Европа парламентига тўртинчи тўғрисидаги сайловлар (1994 й.)												
Асосий келишувлар	Рим шартномаси																						
	Биринчи тўғрисидаги шартнома																						
	Ягона европа акти (1986 й. 8 февралда имзоланган, 1987 й. 1 июлда қуча кирган)																						
	Европа иттифоқи тўғрисидаги Шартнома (1992 й. 7 февралда имзоланган, 1993 й. 1 июлдан қуча кирган)																						



Йил	Мамлакат	Жами аъзолар сони
25 март 1957	<u>Бельгия</u> , <u>Германия</u> , <u>Италия</u> , <u>Люксембург</u> , <u>Нидерландия</u> , <u>Франция</u>	6
1 январь 1973	<u>Буюк Британия</u> , <u>Дания</u> , <u>Ирландия</u>	9
1 январь 1981	<u>Греция</u>	10
1 январь 1986	<u>Испания</u> , <u>Португалия</u>	12
1 январь 1995	<u>Австрия</u> , <u>Финляндия</u> , <u>Швеция</u>	15
1 май 2004	<u>Венгрия</u> , <u>Кипр</u> , <u>Латвия</u> , <u>Литва</u> , <u>Мальта</u> , <u>Польша</u> , <u>Словакия</u> , <u>Словения</u> , <u>Чехия</u> , <u>Эстония</u>	25
1 январь 2007	<u>Болгария</u> , <u>Руминия</u>	27

Европадан ташқаридаги Европа иттифоқига кирувчи алоҳида территориялар

<u>Азор</u> ороллари	<u>Гваделупа</u>	<u>Канар</u> ороллари
<u>Мадейра</u>	<u>Мартиника</u>	<u>Мелилья</u>
<u>Реюньон</u>	<u>Сеута</u>	<u>Француз</u> <u>Гвианаси</u>

Евроинтеграциянинг чуқурлашув тарихидаги асосий ҳодисалар

- 1951 – Париж шартномаси ва Европа кўмир ва пўлат уюшмаси (ЕКПУ)нинг ташкил этилиши
- 1957 – Рим шартномаси ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ва Евратомнинг ташкил этилиши
- 1965 – Қўшилиш тўғрисидаги келишув, бунинг натижасида уч европа ҳамжамияти ЕКПУ, ЕИХ ва Евратом учун ягона Кенгаш ва ягона Комиссия ташкил этилди
- 1973 – ЕИХнинг 1-кенгайиши (Дания, Ирландия, Буюк Британия қўшилди)
- 1978 – Европа валюта тизимининг яратилиши
- 1979 – Европа парламентида датлабки умумхалқ сайловлар
- 1981 – ЕИХнинг 2-кенгайиши (Греция қўшилди)
- 1985 – Шенген келишувининг имзоланиши
- 1986 – ЕИХнинг 3-кенгайиши (Испания ва Португалия қўшилди)
- 1986 – Ягона европа акти – ЕХ тасъис ҳужжатларининг биринчи марта сезиларли ўзгариши
- 1992 – Маастрихт шартномаси ва ЕИХасосида Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил этилиши

Европа Иттифоқининг шаклланиш тарихи

Европа интеграцияси тараққиётининг бошланғич нуқтаси сифатида Франция ташқи ишлар вазири Робер Шуманнинг 1950 йил 9 майдаги декларациясини ҳисоблаш қабул қилинган. Бунда ЕКПУни ташкил этиш таклифи берилганди.

Австрия, Буюк Британия, Дания, Португалия, Швеция, Швейцария каби бир неча мамлакатлар дастлаб Рим шартномасида келтириган социал-иқтисодий интеграциянинг федерал вариантини ортиқча деб ҳисобладилар ва 1960 йил Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕҒТА)ни ташкил этдилар.

Европа иқтисодий ҳамжамияти бир неча босқичларни босиб ўтди:

- -эркин савдо зонасини яратилиши (1957-1968)
- -божхона иттифоқининг яратилиши (1968-1987)
- -ягона ички бозорни яратилиши (1987-1992)
- -Иқтисодий ва валюта иттифоқининг яратилиши (1992-2002)

ЕИ сиёсатини амалга оширишдаги ҳуқуқий инструмент бўлиб Ҳамжамият ҳуқуқи - – *acquis communautaire* – яъни барча жорий меҳёрий ҳужжатлар, хусусан ёзилмаган меъёрлар – Ҳамжамият интитутлари ва аъзо-давлатлар органлари ўртасида ўзаро муносабатлар келиб чиқиб шаклланган ҳуқуқий тамойил ва анъаналар – саналади.

Ҳамжамият ҳуқуқини уч йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- Бирламчи (шартномавий) ҳуқуқ, у тасъис ҳужжатлари ва унга илова ҳужжатлардан, яъни декларация, протокол, тузатма, шунингдек ЕИга кириш тўғрисидаги келишувларан иборат
- Иккиламчи ҳуқуқ – ЕИ турли органлари томонидан чиқарилган регламент, кўрсатма, тавсия, умумий ва индивидуал қарорлар
- ЕИнинг учинчи мамлакатлар билан халқаро келишувлари

ЕИнинг бошқаруви беш асосий институциональ орган томонидан амалга оширилади:

1. Европа Кенгаши (European Council)
2. ЕИ Кенгаши (Council of the EC)
3. Европа парламенти (European Parliament)
4. ЕИ комиссияси (Commission of the EC)
5. ЕИ суди (Court of Justice)



Европа Иттифоқи (ЕИ)
– олий иқтисодий
интеграция шакли
сифатида



Режа

1. Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг тарихий ривожланиш босқичлари.
2. Европада минтақавий интеграциялашув моделининг зарурий шарт-шароитлари ва тамойиллари.
3. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
4. ЕИнинг замонавий ривожланиш муаммолари.

1951 йилнинг апрелида 6 мамлакат: Бельгия, Нидерландия, Люксембург (БЕНИЛЮКС давлатлари) ҳамда Франция, Германия, Италия ўртасида кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича Европа бирлашмаси (ЕОУС)ни таъсис этиш тўғрисидаги Париж шартномасининг имзоланиши, Ғарбий Европа интеграцияси тарихида муҳим ўрин эгаллади.

- Умумевропа ҳамкорлигини бирлаштиришда таниқли иқтисодчи олим Альфред Маршалл томонидан 1948 йилда таклиф этилган «Маршалл режаси»нинг ҳам ўрни беқиёсдир. Мазкур режа доирасида Ғарбий Европа давлатлари ўз хўжалик ҳаётини тиклаш ва қайта қуриш учун АҚШдан жуда катта – 12,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида моддий ёрдам олган эдилар.

- 1955 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган Мессин анжумани қарорлари ҳам интеграцион жараёнлар ривожланишини юқори босқичга олиб чиқди. Ушбу анжуманда Европа интеграциясининг истиқболлари белгилаб олинган бўлиб, бундан мақсад миллий хўжаликларни бирлаштириш ва шунингдек ижтимоий, сиёсатда мувофиқлаштириш орқали умумий бозорни шакллантириш эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа давлатларининг тарихий ривожланиши билан боғлиқ бир қатор иқтисодий ва сиёсий муаммолар юзага келди.

Биринчидан, Европа иқтисодий ва монетар Иттифоқини тузиш ва ягона пул бирлигини муомалага киритиш билан боғлиқ муаммо бўлса,

Иккинчидан, кучли рақобатчилик, ижтимоий-сиёсий, ҳудудий ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик муаммоларнинг юзага келганлигидир.

Ғарбий Европа минтақасида ЕИХни тузиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган зарурий шарт-шароитлар эса қуйидагилардан иборат бўлди:

- иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германиясининг мағлубиятга учраганлиги;
- Европада халқаро алоқаларнинг янги бошқарув тизимини тузиш орқали миллатчилик ғоясидан қутулишга бўлган ҳаракатлар;
- иккинчи жаҳон уруши натижасида Европа иқтисодиётининг бутунлай издан чиққанлиги;
- Европанинг марказида рақобатлашувчи сиёсий ва иқтисодий мафкўраларга эга бўлган икки глобал супер ҳокимият (ГФР ҳамда ГДР) нинг пайдо бўлганлиги;
- Европанинг икки системага (капиталистик ва социалистик) бўлиниши ва Ғарбий Европада собиқ СССРга қарши сиёсий мафкўравий кўрашнинг кучайиши;
- Ғарбий Европада хавфсизлик ва мудофаани иқтисодий қайта қуриш тараққиётига бўлган эҳтиёж;
- Ғарбий Европада сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг тамойили сифатида Франция–Германия ўртасида иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга бўлган ҳаракатлар ва б.

Иттифоқдоирасида ягона монитар сиёсатнинг юритилиши ва ягона валюта бирлигининг амал қилиши аъзо мамлакатлар учун ўзининг қуйидаги ижобий жиҳатларини номоён этмоқда:

- бозор интеграцияси ва рақобатни кенгайтириш келтириб чиқарувчи чегаралар олиб ташланиб, барча маҳсулотларнинг нархлари бир хил умумий пул бирлигида ифода этилиши;
- ягона валютанинг ҳисоб бирлиги ва жамғариш воситаси сифатидаги самарадорлиги;
- давлатлараро савдода валютани алмаштиришдаги трансакцион харажатларнинг йўқотилганлиги;
- ўзгарувчан алмашув курсларидаги ноаниқликларнинг қисқартирилиши ҳисобига ресурсларни самарали тақсимлаш имкониятининг юзага келганлиги;
- бозор миқёси барқарорлигининг таъминланиши ва стандарт фоиз ставкаларининг ўрнатилиши натижасида инвестициялар оқимининг маромида ортиб борганлиги;
- девальвациянинг йўқотилиши оқибатида монитар, валюта ва ташқи савдо сиёсатида бўлган ишончнинг ортганлиги ва б.

Европа Иттифоқи ва Европа монетар бирлигининг аъзолари

№	БҒ мамлакатлари	Аъзо бўлиш вақти	ЕБРО зонасига аъзолик
1.	Германиа	1992	Аъзо
2.	Франция	1992	Аъзо
3.	Италия	1992	Аъзо
4.	Голландия	1992	Аъзо
5.	Бельгия	1992	Аъзо
6.	Люксембург	1992	Аъзо
7.	Буюк Британия	1972	—
8.	Дания	1972	—
9.	Ирландия	1972	Аъзо
10.	Греция	1981	—
11.	Испания	1986	Аъзо
12.	Португалия	1986	Аъзо
13.	Швеция	1995	—
14.	Финляндия	1995	Аъзо
15.	Австрия	1995	Аъзо
16.	Чехия Республикаси	2004	—
17.	Польша	2004	—
18.	Бенгалия	2004	—
19.	Словакия	2004	—
20.	Руминия	2004	—
21.	Словакия	2004	—
22.	Болгария	2004	—
23.	Ватония	2004	—
24.	Латвия	2004	—
25.	Литва	2004	—

ЕИ интеграцияси тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир:

- *Биринчидан*, иқтисодий интеграцияни амалга оширувчи мамлакатлар олдида ривожланиш, иқтисодий тартибга солиш сиёсий ҳамкорлик ва бошқа соҳаларда турган иқтисодий, молиявий муаммоларнинг умумийлиги ва ўхшашлиги;
- *Иккинчидан*, давлатларнинг ўзаро иқтисодий ривожланиши даражасидаги яқинлик, яъни улар ўртасидаги фарқнинг унчалик катта бўлмаслиги;
- *Учинчидан*, ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқинлик;
- *Тўртинчидан*, мамлакатларнинг маданияти, урф-одатлари ва қадриятларининг тарихий бирлашиб кетиши;
- *Бешинчидан*, интеграция фақат интеграция учунгина бўлиб қолмасдан, балки барча иқтисодий омиллар ва қулай шарт-шароитлардан ижодий фойдаланиш имкониятидир.



Европа МОЛИЯВИЙ- ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ




ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ:

1. Дастлаб ЕИга аъзо мамлакатлар молия тизимини (банк, солиқ ва бюджет тизими) тизимли назорат қилувчи органлар шакллантирилиши зарур эди. Шундан сўнг умумий кредит-пул тизими жорий этилиши зарур эди. Ҳозирги шароитда Еврокомиссия ва ЕМБ Евроҳудуд иқтисодиёти ва молия тизимини реал бошқариш имкониятига эга бўлмапти. Натижада унинг еврони миллий валюта сифатида қабул қилган мамлакатлардаги молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти мавжуд эмас.
2. ЕМБ томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳам асосан евроҳудуд таркибидаги кучли мамлакатларга қаратилган. Бошқа мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва ривожланиш хусусиятлари умумий қарор қабул қилишда таъсир кучига эга бўлмади. “Заиф бўгин” ҳисобланган мамлакатлар Еврокомиссия томонидан эълон қилинган шартларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас эдилар. Натижада ушбу мамлакатлар бюджет мувозанатини таъминлашга йўналтирилган ЕИ қоидаларини буза бошладилар. Масалан, Греция евроҳудудга аъзо мамлакатлар томонидан имзолаган “Барқарорлик Пакти”, Бюджет интизоми бўйича белгиланган чегарадан четга чиқа бошлади.
3. Бюджет тақчиллигини чеклаш сиёсати. Лиссабон шартномасига қатъий риоя этиш ва “Бюджет пакти”- давлатлараро молиявий интизомни кучайтириш бўйича келишув (2011 йил декабр ойидаги Саммит).

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ(ДАВОМИ):

4. Давлат харажатларини қисқартириш иқтисодиётдаги умумий ўсишни секинлашувига олиб келди (Грецияда 100000 корхона ёпилди, қарийиб 30% аҳоли ночор, Иқтисодий ўсишнинг пасайиши аксарият европа мамлакатларида ишсизликни 10%дан ортишига олиб келди).
5. Греция 2010 йил апрел ойида содир бўлиши кутилган дефолт қутулиш мақсадида Европа комиссиясига мурожат қилди. Европа комиссияси, ЕМБ ва ХВФ 240 млрд евро миқдоридagi кредитни тақдим этиш мажбуриятини олди. Бунинг учун Греция ҳукумати олдига бюджетни иқтисод қилиш сиёсатини олиб бориш бўйича қаттиқ шартлар белгилади. Пировард натижада уй хўжаликлари иқтисодига жиддий таъсир кўрсатди.
6. Европа иттифоқи мамлакатларида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасида банк тизимида глобал ликвидлик муаммоси вуқудга келтирди. Таниқли молиявий шарқловчи Эмброза Эванса-Притчарднинг таъкидлашича европа банклари нормал даракага чиқиши (АҚШ ва Япония банклари даражасига) учун қарийиб 7 триллион берилган кредитларини қайтариши лозим).
7. Европа марказий банки муаммоли мамлакатлар қарзларини асосланмаган пул эмиссияси ҳисобига молиялаштиришдан бош тортмоқда.

Европа мамлакатларида давлат қарзларининг ҳолати







Европа молиявий барқарорлатириш фонди!

Страна	Паранасалима вазони			Ушолонима вазони	
	Гарантиялима вазони (млн €)	Дола	€ инч	Гарантиялима вазони (млн €)	Дола
Австрия	12 241,43	2,75 %	1 454,55	21 529,19	2,750 %
Бельгия	15 292,15	2,45 %	1 422,71	27 021,99	2,4555 %
Словакия	119 290,07	27,12 %	1 454,57	211 045,90	27,0547 %
Словак	12 257,70	2,82 %	1 029,90	21 529,74	2,8252 %
Испания	7 002,40	1,59 %	1 349,97	12 270,15	1,5874 %
Италия	52 232,51	11,90 %	1 141,75	92 343,55	11,8579 %
Италия	75 754,72	17,91 %	1 211,10	129 257,21	17,8595 %
Литва	552,09	0,20 %	1 075,65	1 325,65	0,1951 %
Литва/Литва	1 101,29	0,25 %	2 229,25	1 945,24	0,2497 %
Литва	295,44	0,09 %	955,55	704,22	0,0902 %
Словакия	25 142,55	5,71 %	1 525,60	44 446,22	5,6992 %
Словакия	11 025,25	2,51 %	1 027,24	19 507,25	2,5014 %
Словакия	4 271,24	0,99 %	507,29	7 227,27	0,9912 %
Словакия	2 070,25	0,47 %	1 009,21	2 554,22	0,4599 %
Словакия	7 205,22	1,82 %	1 454,21	12 274,22	1,7922 %
Италия	59 527,45	13,55 %	1 295,22	155 457,22	20,2245 %
Италия				1 294,22	0,2252 %
Словакия (15) ваз	442 000,00	100 %	1 229,22		
Словакия (17)				779 782,14	100 %

Умумий хулосалар

1. Глобаллашув жараёнлари молия тизимининг умумий трансформаллашувига таъсир этмокда. Молия тизимида давлат молияси молиялаштиришнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, кейинги йилларда ушбу тенденцияда етакчилик молиявий бозорларга ўтди.

2. Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиёти ва ҳар бир мамлакатларда иқтисодий мувозанатни сақлашга қаратилган молиявий сиёсат асосан глобал талаб ва тақлифни рағбатлантиришга йўналтирилган. Лекин, олиб борилаётган молиявий сиёсат глобал иқтисодий ўсишни таъминлашда жиддий таъсир кучига эга эмас.

3. Аксарият мамлакатлар молия тизими барқарорлиги чекланиб борилаётган айрим ресурслар бозорларидаги конъюнктурага боғлиқ бўлмокда.

Умумий хулосалар

4. Молия тизмида етакчи мавкега эга бўлган молияий бозорлар юқори рискли активлар билан хаддан зиёд юқори даражада тўйинган.

5. Интеграцион жараёнларнинг содир бўлиши натижасида вужудга келган “Валюта тизимининг байналминаллашуви” натижасида вужудга келган тизимнинг баркарор ишлаши билан боғлиқ мукамал назорат тизимини таъминланмаслиги натижасида ушбу тизимларнинг баркарор тараккий этишига салбий таъсир этмокда.

6. Инкирозлар шундай хулосага олиб келмокдаки, халқаро иктисодий баркарорликнинг мустаҳкам тизими шакллантирилмаган. Натижада глобал иктисодий маконнинг издан чиқиш рискининг юқори даражаси сақланиб колмокда.

ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН
РАЊМАТ!

